

17  
(1335)-son  
27-aprel  
2018

# Xabar

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan [www.xabar.uz](http://www.xabar.uz)

## УШБУ СОНДА:

### ЎЗБЕКISTON VA ТУРKMАНИSTON:

Радиочастоталарни мувофиқлаштириш бўйича битим имзоланди **2-бет**

### МИНИСТР ПО РАЗВИТИЮ ИКТ:

Оцифровой экономике, киберспорте, обучении в IT и многом другом **4-5-бетлар**

### МАРДЛИК, БУРЧ ВА САДОҚАТ

Марди бобонинг жасорати **8-бет**

### ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Тиббиётни ўзгартирган 5 стартап **9-бет**

### МОНИТОР ҚАРШИ СИДА:

Бу инсултга олиб келадими? **10-бет**

### ВАЗИЯТ

Telegramни блоклашдан "Россия почтаси" ҳам зарар нўрди **12-бет**

### ЭНГ ОММАЛАШГАН БРАУЗЕРЛАР

(Ўзнет, ТОП-5)



Chrome Mobile  
25,3%



Chrome  
21,3%



Android browser  
17,1%



Mobile Safari  
8,8%



Opera  
5,4%

## ПРОФЕССОР ЖУЭН О: ЎЗБЕКISTON — ИККИНЧИ ВАТАНИМ!



Яқинда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Тараққиёт стратегияси" маркази билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш" мавзусида муҳокама анжумани бўлиб ўтди. Анжуман-

да оила-никоҳ муносабатлари соҳасидаги илғор хорижий амалиётни илмий таҳлилларга таянган ҳолда чуқур ўрганиш, халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан узвий ҳамкорлик ва тажриба алмашишни йўлга

қўйиш, ёшларга оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш борасида турли мулоҳазалар баён этилди.

7-бет ▶

### ЎЗБЕКISTON БЎЙЛАБ САЁҲАТ ҚИЛ!


## "ХОРАЗИМА САЁҲАТ ДИМ ЯХШИ"

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ходимлари "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат"ни Хоразм вилоятидан бошлашди. Белгиланган вақтда барча Тошкент Жанубий вокзалида йиғилди. Поездининг шинам вагонларидан бири тўдалигича инспекция ходимлари томонидан банд қилинган.

Манзил узоқ, саёҳат иштиёқи юқори. Ҳамкасбимиз Ойбек Отабеков қўлига гитарасини олди. Унга бирин-кетин бошқалар жўр бўлди. Бир пайт вагон кузатувчилари ҳам жамоамиз сафига қўшилиб, қарсақ чала бошлашди.

Аксарият саёҳатчиларимиз қўл телефони ва планшетлардан Хоразм GPS харитасини кўздан кечирмоқда. Уч кунлик саёҳатнинг тахминий маршрути чизилмоқда.

Юртимизнинг кўплаб шаҳа-



ру қишлоқларидан ўтиб, Хоразмга яқинлашдик. Вагон ойнасида чўлнинг баҳор манзараларини кузатишнинг ҳам ўзига яраша завқи бор экан. Телефон алоқалари йўқолиб, барча бири бири билан суҳбат кура бошлади. Булар экан-ку, суҳбатдошнинг кўзига, юзига қараб суҳбатлашилса! Смартфонларсиз ҳам суҳбат қизир экан.

16-бет ▶

### РЕКЛАМА

**ALSKOM**  
ИПОТКА КОМПАНИЯСИ  
ИПТЕКА КОМПАНИИ

**ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ  
ИПОТЕКА СУФУРТАСИ**

Тошкент шаҳри,  
А.Темур кўчаси 109-уй  
[www.alskom.uz](http://www.alskom.uz)  
Хизматлар лицензияланган

Тел.: 147-11-00;  
Факс: 147-22-00

2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



# ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЎРТАСИДА РАДИОЧАСТОТАЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов 2018 йил 23-24 апрел кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди. Анъанавий дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитида ўтган икки томонлама учрашувлар ва одий даражадаги музокараларда кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари, шунингдек Хоразм вилоятига ҳам ташриф буюришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 апрел кuni Хоразм вилоятига ташрифи давомида ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ва туман ҳокимлари ва тегишли соҳалар мутасаддилари иштирокида йиғилиш ўтказди. Танқидий руҳда ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари вилоятда кейинги пайтда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда кўплаб масалалар тўлланиб қолгани, муаммоларни ҳал этишда вилоят раҳбариятининг ишни бўшаштириб юборгани, вилоятнинг биринчи раҳбариди талабчанлик ва қатъият этишмаганини кўрсатиб ўтди. Йиғилишда вилоятнинг янги раҳбарияти ва барча мутасаддилар олдига қатор вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгашига Президентимиз совғаси — библиобус топширилди. Мазкур кутубхона шаклидаги махсус автотранспорт воситаси жавонларидан 2 мингдан зиёд китоблар ўрин олган.

Туркия пойтахти Анқара шаҳрида ишбилармонларнинг "EkoAvrasya" жамоатчилиги бирлашмаси томонидан илк бор таъсис этилган "Евросиё олдидаги хизматлари учун" юксак мукофотининг лауреатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. "EkoAvrasya" уюшмаси бошқаруви кенгашининг қарорига кўра ушбу "Евросиё олдидаги хизматлари учун" юксак мукофоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилди. Тантанали маросимда мазкур нуфузли мукофотни давлатимиз раҳбарига топшириш учун мамлакатимизнинг Туркиядаги Фавқулодда ва мухтор элчисига тақдим этилди.

Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида бир гуруҳ нурунийлар ва меҳнат фахрийларини Президентимиз томонидан таъсис этилган "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирлаш маросимлари бўлиб ўтди. Тадбирларда турли соҳаларда самарали меҳнат қилган 120 нафар кекса авлод вакиллари I, II, III даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонлари тантанали топширилди.



Ўзбекистон ва Туркменистон одий таълим муассасалари ўртасида ҳамда ахборот-коммуникация соҳасида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими. Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Туркменистон алоқа вазирлиги ўртасида икки мамлакат радиохизматлари фойдаланадиган 29,7 – 960

МГц радиочастота полосасидаги ўзлаштирилган радиочастоталарни ўзаро мувофиқлаштиришнинг техник асослари бўйича битим имзоланди.

Ҳужжат Радиочастоталар бўйича республика кенгаши қарори асосида икки мамлакат ҳукумати ўртасидаги шу номдаги амалдаги битим доирасида тайёрланди.

Имзоланган идораларар битим Ўзбекистон ва Туркменистон чегара ҳудудларида радиочастоталар ва радиоэлектрон воситалар (радио)нинг электромагнит мослашувини, яъни халақитсиз ишлашни таъминлаш учун техник шарт-шароитларни белгилайди.

Қайд этиш керакки, кўчма, турғун ва радиоузатиш хизматлари радиостанциялари ўзлаштирган радиочастоталарни мувофиқлаштириш икки давлат алоқа маъмуриятлари томонидан тасдиқланган техник параметрлар ва шартлар асосида амалга оширилади.

ХАМКОРЛИК

## “WARGAMING” КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Азим Ахмеджоев дунёга машҳур "World of Tanks", "World of Warplanes", "World of Warships" компьютер ўйинларини тақдим этган "Wargaming" компанияси (Беларус) вакиллари билан учрашди.

Учрашувда меҳмонлар Ўзбекистон томонини "Wargaming" компаниясининг бутун дунё бўйлаб компьютер ўйинларини муваффақиятли тарғиб қилиш тажрибаси билан таништиришди. Шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашувчи компьютер ўйинларини ривожлантириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, ташриф доирасида "Ўзбектелеком" АК ва "Mirzo Ulugbek Innovation Center" марказида "Wargaming" компаниясининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган компьютер ўйинлари соҳасидаги тажрибаси билан маҳаллий дастурчиларни таништириш мақсадида қатор учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Мазлумот учун: "Wargaming" компанияси — "free-to-play MMO" бозоридаги дунёнинг йирик ишлаб чиқарувчиларидан бири ҳисобланади. Компания 1998 йилда ташкил этилган. Шу вақт ичида 15дан орტიқ лойиҳани ишлаб чиқарган ва тақдим этган.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

## UZCARD ОНЛАЙН-ЎҒРИЛИКДАН ОҒОҲЛАНТИРДИ



Ягона умумреспублика процессинг маркази (Uzcard)нинг хабар беришича, бир қатор оммавий ахборот воситалари томонидан муҳтож ва эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш мақсадида интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали турли хайрия акциялари ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирларни ташкиллаштириш эътиборига молик иш, бироқ бу фибригарлар эътиборини жалб қилишини ҳам унутмаслик керак.

Ёрдамга муҳтож инсонлар учун бу каби тадбирлар ташкиллаштирилиши муҳим, бироқ ҳая қилинган маблағни қабул қилувчи карта эгаси зиммасида ҳам пластик карта хавфсизлигини таъминлашдек вазифа борлигини унутмаслик лозим. Авваламбор, тадбирни ташкиллаштирувчилар томонидан маблағ қабул қилувчи карта эгаси онлайн ўғриликларнинг қурбонига айланмаслиги учун оғоҳлантирилиши жуда муҳим.

Масалан, яқинда қайд этилган фибригарлик ҳодисаларидан бирида, ўғрилар эълон қилинган карта рақамини мобил иловага улаш мақсадида карта эгаси билан боғланиб, SMS орқали юборилган кодни аниқлаб олишди. Сўнгра йиғилган пул маблағларини онлайн режимда ўғирлашди. Шу каби фибригарликлардан келиб чиқиб, "Uzcard" компанияси ОАВ вакилларида ташкиллаштирилаётган хайрия тадбирларини эълон қилишдан аввал карта эгасини пластик карта хавфсизлиги қондалари билан таништиришларини ва оғоҳ қилишларини сўраган.

# "МЕНИНГ ФИКРИМ" ПОРТАЛИ ҚАЙ ТАРТИБДА ИШЛАЙДИ?



"UZINFOSOM" дастурчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва Парламент тадқиқотлари институти ҳамда қатор мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда [www.meningfikrim.uz](http://www.meningfikrim.uz) портали ишга туширилди.

**“Мурожаатга модератор ижобий хулоса берганидан сўнг бир кун ичида мурожаат умумий овоз бериш учун "Менинг фикрим" веб-порталида эълон қилинади.”**

"Менинг фикрим" портали Президент ғояси бўйича қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида халқ депутатлари ва фуқаролар, аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва кўрсатмалардан кенг фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Бир гуруҳ фуқаролардан "Менинг фикрим" портали орқали келиб тушган барча таклиф ва мулоҳазалар Олий Мажлис ёки Халқ депутатлари кенгашлари томонидан тегишли тартибда кўриб чиқилади. Бу — қонуннинг ягона манбаси ва муаллифи халқ бўлиши лозим, деган устувор мақсаднинг амалга ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва киллик органлари фаолиятининг очиқлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида яратилган ушбу портал қай тартибда ишлайди?

## 1-босқич.

### Авторизация ва мурожаатни яратиш

Электрон жамоавий мурожаат (мурожаат) Олий Мажлис палаталари, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига берилди.

"Менинг фикрим" веб-портали орқали мурожаат яратиш учун фойдаланувчилар дастлаб Ягона идентификация тизими-

(id.gov.uz) авторизациядан ўтиши, сўнгра асосий саҳифадаги махсус тугмани босиб, тегишли жойга мурожаат матнини киритиши лозим.

Яратилган мурожаат Ягона идентификация тизими (id.gov.uz) орқали авторизациядан ўтган фойдаланувчилардан камида 5 нафарига қўллаб-қувватлашлари учун юборилади.

## 2-босқич.

### Экспертиза ва электрон мурожаатни жойлаш

Агар мурожаат етарли миқдорда овоз тўпласа, унда мурожаат модератор — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан экспертизага қабул қилинади.

Модератор мурожаатнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини текшириш учун экспертиза ўтказди. Бунда қуйидаги масалалар кўриб чиқилмайди:

- мавжуд конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга қаратилган даъватлар;
- жамиятнинг маънавий қадриятларига путур етказадиган, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини поймол қиладиган;
- уруш, зўравонлик, шafқатсизликни тарғиб қилиш, миллатлараро, irqий, диний адо-

ват, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмни кўзга тиш тўғрисидаги;

■ террорчилик ҳаракатларини содир этишга, қонунга мувофиқ жиноий ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир этишга даъват қилиш тўғрисидаги ва низомда белгиланган бошқа масалалар.

Мурожаатга модератор ижобий хулоса берганидан сўнг бир кун ичида мурожаат умумий овоз бериш учун "Менинг фикрим" веб-порталида эълон қилинади. Агар мурожаат белгиланган талабларга жавоб бермаса, у рад этилади ва мурожаат муаллифига хабар берилди.

## 3-босқич.

### Мурожаатга овоз бериш

Умумий овоз бериш мурожаат эълон қилингандан сўнг 90 кун давомда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига юборилган мурожаат фуқароларнинг камида 10 000та овозини, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси,

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига юборилган мурожаат камида 5 000та овозни, Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига юборилган мурожаат 1 000та овозни тўплаши зарур.

Етарли миқдордаги овозларни тўплаган мурожаат модератор томонидан кейинги кундан кечиктирмай ваколатли давлат органларига юборилади.

## 4-босқич.

### Мурожаатни кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига юборилган мурожаатни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш уларнинг регламентлари билан тартибга солинади.

Олий Мажлис палаталари, маҳаллий Халқ депутатлари кенгашлари томонидан мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилинади ва "Менинг фикрим" веб-порталида жойлаштирилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш ва у бўйича қарор қабул қилиш муддати 60 кундан ошмаслиги лозим.

## ИСЛОҲОТ

# ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ: ЯНГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР БЕРАДИ?

Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрел куни қабул қилинган "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни мазмун-моҳияти муҳокамасига бағишланган семинар ташкил этилди.

Тадбирда депутатлар, давлат органларининг масъул ходимлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги компания ва ташкилотларнинг раҳбар ва мутахассислари қатнашди. Маълум қилинишича, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар жойлаштириладиган, харидлар амалга ошириладиган ва бу жараёнлар ҳақида онлайн ахборот бера-



диган махсус сайт ([xarid.uz](http://xarid.uz)) ишга туширилган.

Қонун мазмун-моҳиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги-

нинг Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш бўлими бошлиғи Аббор Гадоев йиғилганларга тушунтириб берди. Мазкур қонун ҳужжати давлат харидларини амалга ошириш

жараёнида очиқлик ва шafқатчиликни таъминлайди, электрон форматдаги давлат ва жамоат назорати эса соҳада рақобат муҳитини яратиш, давлат бюджети ҳамда марказлашган манбалар ва давлат улушига эга корхоналар маблағларидан самарали фойдаланиш имконини берди.

Давлат хариди билан боғлиқ жараёнларга Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ваколатли орган қилиб белгиланган.

Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

**Собит АҲАДОВ,**  
"Xabar" мухбири

## МИНИСТР ПО РАЗВИТИЮ ИКТ: О ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ, КИБЕРСПОРТЕ, ОБУЧЕНИИ В ИТ И МНОГОМ ДРУГОМ

Интернет издательство "Spot" организовало интервью с министром развития информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан Азимом Ахмедхаджаевым. Представляем данное интервью вашему вниманию.

### Цифровая экономика и другие главные задачи

Нам важно, чтобы население было вовлечено в сферу ИКТ, потому что мы считаем, что это перспективная точка роста в экономике. Мы также акцентируем внимание на внедрение инноваций в государственном секторе, стимулы роста цифровой экономики.

Но чтобы безболезненно войти в это пространство, мы уже сейчас должны заложить фундамент. И, конечно же, в том числе создать благоприятные условия для развития электронной коммерции.

Кроме того, наша задача — повысить инвестиционную привлекательность и обеспечить объем иностранных инвестиций, который зависит от развития ИТ.

Инвестор, приходя в любую страну, смотрит на уровень развития ИКТ. Ему важно понимать, что бизнес будет эффективен и защищен в цифровой среде. Важно, чтобы был быстрый интернет, надежная связь, развитая почтовая инфраструктура.

Поэтому первоочередная задача — реализация крупных проектов по модернизации коммуникационных сетей. Мы ведем активную работу во всех регионах, чтобы расширить широкополосный доступ к интернету.

Для нас важно обеспечить интернетом каждый населенный пункт. Это многоэтапный процесс, в этом году мы планируем проложить 2000 км. оптоволокна, из них 300 км. уже завершили в первом квартале.

Мы постоянно мониторим мнения, комментарии в СМИ и соцсетях. Видим, что у потребителя возникает много вопросов к скоростям интернета, к качеству сотовой связи. Не можем всем сказать, что нет «золотой кнопки», которая включает стабильный интернет.

Это длительный и емкий



процесс, который сопряжен с приобретением дополнительного оборудования, с расширением «бассейна», куда стекает интернет, который мы приобретаем из-за рубежа. Нам нужно увеличивать «тоннаж», чтобы расширять сети, прокладывать новые, всё это не сделаешь за одну ночь.

22 мая планируем провести интерактивную конференцию. Это будет презентация развития отрасли в принципиально новом формате — не будет сухих докладов или скучной статистики. Будет живое общение людьми и бизнес-сообществом, с участием представителей международных финансовых институтов, послов.

Я думаю, так мы сможем донести до всех наш месседж о том, что мы планируем сделать, чтобы сократить информационный вакуум и ответить на многие вопросы.

Также ведем переговоры с частными коворкинг-центрами по вопросу организации совместного мероприятия, в

рамках которого мы будем обсуждать с экспертами и частным бизнесом тренды развития ИКТ.

### Электронная коммерция и внедрение платежных систем

Узбекистан — площадка с большим потенциалом в сфере электронной коммерции. Мы недавно провели опрос среди населения и предпринимателей, чтобы узнать, что, по мнению людей, мешает развитию в этой сфере. По его результатам наше министерство выявило проблемы:

- не отвечающая современным требованиям нормативно-правовая база в сфере электронной коммерции;
- неразвитость логистики и почтовой инфраструктуры;
- проблемы в совместной работе таможенных служб и авиаперевозчиков.

Сейчас прорабатываем модернизацию НП с экспертами, к работе над усовершенствованием почтовой инфраструктуры, законодательных актов привлекли специалистов из России. Всё это позволит создать десятки тысяч рабочих мест.

Для решения этих проблем ориентируемся на опыт Южной Кореи, Сингапура, стран скандинавского региона. Определяемся с лучшими зарубежными практиками, чтобы адаптировать их под наши реалии.

Мы понимаем, что электронная коммерция — перспективно развивающийся инструмент, и если сейчас не войдем в эту сферу, то можем многое упустить. Для улучшения e-commerce планируем создать колл-центр для внедрения механизма оценки потребности покупателей и продавцов.

Платежные системы PayPal, AliPay и другие — артерии экономики, которые обеспечивают необходимые

Первостепенная задача — реализация крупных проектов по модернизации коммуникационных сетей. Мы ведем активную работу во всех регионах, чтобы расширить широкополосный доступ к интернету.

ресурсы для развития экономики и электронной коммерции. Их отсутствие сильно ограничивают экспортеров, которые планируют продавать товары, услуги на территории нашей страны.

Совместно с Центральным банком планируем провести переговоры с крупными платежными системами, чтобы заинтересовать их выходом на территорию Узбекистана и интегрировать их платформы в нашу экономику с целью создания дополнительных возможностей для потребителя и продавцов.

## Киберспорт, сотрудничество с Wargaming и создание IT-школы для одаренных детей

К сожалению, киберспорт не развит на должном уровне. Это площадка, которая позволяет объединить не просто игроков, а профессионалов своего дела, чтобы они могли проводить мероприятия, обсуждения, обмениваться опытом. Всё это ведет к развитию не только киберспорта, но и всей ИКТ-сферы.

Большая доля молодого поколения вовлечена в киберспорт, это потенциальные ай-тишники. У нас в министерстве работают люди, занимавшие призовые места в киберспорте, сейчас они начальники департаментов.

Нам очень интересно развивать это направление, в конце апреля нас посетит белорусская компания Wargaming. В Узбекистане в их продукты играет 22 тысячи человек. С ними мы будем обсуждать возможности по вопросам сотрудничества и ведению бизнеса, конечно, мы заинтересованы в создании регионального офиса, центра обучения и организации центра обработки данных.

Это дает возможность для привлечения инвестиций, создания дополнительных рабочих мест, внедрения опыта белорусских IT-компаний. Тем более что Белоруссия на постсоветском пространстве является страной номер один в IT-сфере.

Создание IT-школы для одаренных детей — это интересный и нестандартный опыт для нашего министерства. Мы изучили опыт Финляндии, Швеции, Южной Кореи по созданию подобных учебных заведений. Школа будет направлена на обучение одаренной молодежи со всей республики. Туда будут приниматься ученики с пятого по десятый классы. Отбор будет проходить путем тестирования.

Обучение основано на системе STEM — наука, технология, инженерия, математика. Детям будет предоставле-

на возможность логического подхода к обучению. Мы создадим различного рода кружки — робототехники, планирования, написания ПО. Создадим условия, которые позволят воплотить теорию в практику.

Мы готовим детей, у которых будет осознанный выбор при поступлении в технические вузы. Президент поручил на первых этапах привлекать зарубежный преподавательский состав, чтобы поставить высокую планку уровня обучения. Будут созданы все условия, чтобы школа была максимально начинена IT, чтобы все процессы были максимально оцифрованы.

## Обучение в IT-сфере, популяризация IT среди девушек

В каждом регионе Узбекистана есть филиал ТУИТ, который занимается подготовкой кадров. Я не могу сказать, что у нас достаточно хороший уровень подготовки, потому что система немного устаревшая. Ташкентская школа всегда считалась достаточно мощной. Необходимо вернуть старые традиции и имя ТУИТ.

Эта сфера, в которой работают творческие люди. Сейчас серьезно думаем пересмотреть всю систему обучения на базе ТУИТ с адаптацией зарубежного опыта. Хотим предоставить больше возможностей для студентов, видящих себя в IT. А также создать условия, чтобы молодежь после выпуска возвращалась в вуз заниматься наукой. Всё это ведет к потенциальному росту экспорта, потому что IT — это производство.

16 апреля у нас была встреча с заместителем министра связи и информации России Алексеем Волиным, который привез с собой в составе делегации представителей знаменитых российских IT-школ, с которыми мы уже имеем договоренности о взаимном обмене преподавателями с целью повышения уровня квалификации.

Также российские вузы готовы предоставить нам больше квот для обучения наших студентов в России в таких заведениях, как Санкт-Петербургский государственный университет телекоммуникаций им. М.А. Бонч-Бруевича и Донской государственный технический университет. Мы понимаем, что без хорошего уровня подготовки кадров будущее отрасли будет находиться под сомнением.

Доля девушек, занятых в сфере IT, составляет 30%. В вузах и колледжах — 15% и 27% соответственно. Статистика показывает, что за последние четыре года тенденция охвата среди девушек на факультетах остается стабильной и не падает ниже уровня 15-

25%. Но тем не менее мы не удовлетворены таким показателем.

Мы проводим различные мероприятия, которые организованы на базе зарубежного опыта, включая отдельные программы для девушек, в том числе Women Techmakers, DigiGirlz. Одна из крупных образовательных программ для девушек — Technovation Challenge, который проводится университетом ИНХА совместно с ТУИТ и спецпрограммой ООН при поддержке нашего министерства. Регистрацию прошли более 450 участниц, среди которых 40 девушек — из регионов республики.

Кроме того, в рамках недели инновационного женского предпринимательства Innovation Challenge 2018 с 23 по 28 марта девушки, которым интересна сфера IT получили возможность участия в ряде мероприятий в Ташкен-

*Доля девушек, занятых в сфере IT, составляет 30%. В вузах и колледжах — 15% и 27% соответственно. Статистика показывает, что за последние четыре года тенденция охвата среди девушек на факультетах остается стабильной и не падает ниже уровня 15-25%. Но тем не менее мы не удовлетворены таким показателем.*

те, Ургенче с участием международных экспертов из Кремневой долины.

Подобного рода мероприятия вовлекают большое количество девушек и женщин, предоставляют ресурс для стимулирования технологий.

## ICT Innovation Week, конкуренция местных и зарубежных игроков в IT

В сентябре планируем провести мероприятие ICT Innovation Week, в рамках которого хотим привлечь спикеров из ведущих мировых компаний.

Сейчас активно контактируем и обмениваемся инфор-

мацией с Facebook, Amazon и Google, планируем перейти в более активную фазу сотрудничества, чтобы привлечь сюда специалистов.

Считаю беспочвенными опасения, что зарубежные компании будут более привлекательны по сравнению с местными игроками. Так как до вступления должность я узнал много наших ребят, которые являются не только разработчиками, а также интеграторами различного ПО. Они имеют богатый опыт реализации продуктов в ОАЭ, Сингапуре, Латинской Америке, Африке.

Многие из них вернулись, чтобы организовать здесь бизнес. И это грамотные, квалифицированные ребята, которые могут создать серьезную конкуренцию зарубежным компаниям. Важно найти нишу, в которой они будут работать. Крупные игроки, которые будут заходить на наш рынок — это не масштаб среднего и малого бизнеса. А наши могут эти ниши спокойно занять, и я не думаю, что зарубежные компании будут нам мешать.

Были привлечены зарубежные специалисты — 25 человек. Эта команда, которая занималась IT-проектами в России, Южной Кореи и других странах. Они помогают нам определить тонкие места и пробелы в интернет-пространстве.

Мы очень амбициозны и агрессивны в реализации поручения Президента об улучшении качества интернета, к концу года мы ожидаем, что у нас получится расширить наши возможности с текущих 160 гигабит до 1,2 терабита. Потребитель — это бизнес, население и зарубежный инвестор почувствуют значительные изменения в скоростях. Надеемся, что к концу года решим эту глобальную проблему, которая вызывает много жалоб.

Помимо улучшения качества интернета, перед нами стоит задача увеличения доли сферы информационных технологий в ВВП в два раза. Сейчас это 2,2%, но в ближайшей перспективе это показатель мы планируем увеличить до 4% и также обеспечить экспорт услуг в 10 раз, а долю ИКТ-специалистов, занятого населения в этой сфере увеличить до 3% при нынешнем 1%.

Чтобы всё это грамотно сделать, чтобы завтра мы имели возможность и дальше увеличивать скорость, сейчас мы должны заложить основу для его расширения. Потому что с повышением скорости и развитием электронной коммерции будет повышаться потребность в качественной и стабильной скорости интернета.

Всё больше населения будет вовлекаться в процесс использования интернета, и с его развитием мы будем повышать уровень культуры использования — это то, что мы хотим и донести до всех.

Александр ТЕН

*Всё больше населения будет вовлекаться в процесс использования интернета, и с его развитием мы будем повышать уровень культуры использования — это то, что мы хотим и донести до всех.*

# Саламат АВЕЗОВ: НУРЛИ ТОНГНИ ҚАРШИ ОЛИШ БУ – ЭНГ УЛУҒ БАХТ



Суҳбатдошимиз ҳақида:

**Саламат АВЕЗОВ** Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали ўқув-ёрдэмчи бўлими лаборанти.

Саламат Аветов 1983 йили Нукус шаҳрида туғилган. Саламатга болалар церебрал фалажи ташхиси қўйилган, II гуруҳ ногирони. Аммо шунга қарамай, матонатли бу йилги 2008-2012 йилларда ТАТУ университети Нукус филиалида информатика ва ахборот технологиялари йўналишида таҳсил олган. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар Кенгаши аъзоси.

ТАТУ Нукус филиали расмий сайти — [www.tatunf.uz](http://www.tatunf.uz), [www.kruz.uz](http://www.kruz.uz), [Makan.uz](http://Makan.uz), [KarInform.uz](http://KarInform.uz) сайтлари, “Еркин Қарақалпақстан”, “Қарақалпақстан жаслари”, “USTAZ JOLI — Ustoz yo’li” зиёвлар газетасига ўзбек, қорақалпоқ, рус тилларида мақолалар ёзади. Шунингдек, ўзининг “SA.KR.UZ” шахсий веб-сайтини юртади. Инглиз, рус, ўзбек тилидаги эртақлар, ҳикоя, қиссалар ва воқеий ҳикояларни қорақалпоқ тилига таржима қилиб, ўз сайтига жойлаштириб боради. Болалар церебрал фалажи касаллигига чалинган ногирон инсонлар учун “ДДЕ — дўстлар билан дилдан ёшамиз” махсус мулоқот гуруҳини ташкил қилган. [www.intali.uz](http://www.intali.uz) ёш ишодкорлар портали ҳамда [www.it-express.uz](http://www.it-express.uz) ёш дастурчи ва мутахассисларга мўлжалланган веб-сайти лойиҳалари муаллифи. Ўзбекистон Қаҳрамонлари Иброҳим Юсупов ҳамда Тўлепберген Қаипбергеновларнинг қорақалпоқ, ўзбек, рус тилларидаги веб-сайтларини яратган.

истагингиз томон яқинлаштирадиган сазъ-ҳаракатингиздир. Билим олмасдан мақсадга эришиш бу тайёр ошга ҳамтовоқ бўлиш дегани. Инсон ўзи бутун вужуди билан меҳнат қилса, еган оши тотли бўлади. Мақсадга эришиш учун инсон қатъиятни ўзига дўст билиши керак.

Ногиронлиги бўлган шахслар кўпинча фавқулодда истеъдод соҳиби бўлади. Шунга яраша фикр доиралари кенг, кўнгил дунёси гўзал. Уларнинг умид билан яхши натижаларга эришиш учун жон-жаҳди, онгу тафаккури, ақл идроки ва заковати покиза қалб ила интилишларининг ўзи катта муваффақиятдир.

Инсон ўзига мен ногиронман, шунинг учун бахтсизман, деган фикрни сингдирмаслиги керак. Чунки, ҳаётда ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ. Ҳар бир қилинган меҳнат киши руҳининг метиндай тоблайди. Сабр тўла улкан қопни елканга ортмоқлаб юриш замирида катта меҳнат ётишини ҳис қилиш зарур. Оила қўрғонимиз узоқ вақт турмушнинг изгирин шамол ва ёмғирларида нураб кетмаслигини истасак, уни сабр аталмиш пой-

девор устига барпо қилишимиз даркор.

— Инсон орузсиз яшай олмайд...

— Ютуққа кўзи етмаган инсон муваффақият чўққиларига чиқа олмайд. Чиққан тақдирда ҳам... Мақсад эса орузсиз бўлмайди. Демак, орузингиз доирасини кенгайтиришдан қўрқманг. Нима хоҳлаётганини билган инсон учун қийинчиликларни енгиш — бургут самода учиб, ўзига озуқа қидиргани билан баробар. Ранг-баранг расмлар чизаман. Расмларимда ўзимни тўрт мучам соғ инсон қиёфасида тасвирлайман, аслида бу ҳам орзу. Қўллар ва оёқларим соғ, сўзларимни равон ифода этаётгандек бўламан. Орзуларим оғушида парвоз қиламан. Бу расмларга қараб, жамиятда менинг ҳам ўрним борлигини, бахтли яшашга ҳақли эканлимини ҳис этаман.

Магистратура йўналишида тахсил олиш ва АКТ соҳаси ривожига ўз ҳиссамни қўшишни истаётман. Яна меҳрибон ота, салоқатли турмуш ўртоқ бўлиш орзудаман.

Абдуғани  
АБДУРАҲМОНОВ  
суҳбатлашди

— Саламат иним, ҳаётда етти мучаси соғ одамлар кўп. Аммо уларнинг орасида ҳеч нарсага қизиқмайдиганлари ҳам бор. Сиз ҳаётга кучни қаердан оласиз?

— Тўрт мучаси соғ бўлмади туриб барча ғам-ғуссани унутти, тагин, ҳамма одамлар қатори тенгма-тенг меҳнат қилиш унча-мунча кишининг қўлидан келмайди. Бундай инсон чинакам матонатли, кучли иродага эга, қалби муҳаббатга тўла бўлиши керак. Орамизда ана шундай инсонлар кўплаб топиллади.

Ҳаётга бўлган кучни ҳеч ким тухфа қилмайди. Чунки онга ҳеч бўлмаса, бир марта сингдирилган ҳаёт ҳақиқати инсоннинг бутун умри давомида тавсир кўрсатиб, ўзини бошқара олишни ўргатиб, танангизнинг ҳақиқий соҳибига айланасиз ва барча ҳаётини муаммоларингизни қийналмай ҳал қила оласиз.

Ҳаётнинг беғуборлик ҳиссини туйиш, дардига шифо дамлари насиб қилармикан, деган орзуларга кўмилиб яшаётган инсонлар орамизда озмунчани?

Мен ҳам болалик чоғларимда ана шу саволлар гирдобиди қолган эдим. Шукрки, бугун меҳрибон ота-онам ҳамда яқинларимнинг далдаси менга куч бағишлаб туради. Бошқалар билан солиштирганда, имкониётларим доираси бироз чекланган. Шунга қарамай, кўп нарсалардан бебахра қолмасликка, олдинга интилиб яшашга ҳаракат қиламан. Ўтган йиллар давомида бир нарсани англадим, касаллик — бахтсизлик эмас, ироданинг синови, холос.

Оилада ота-онам ва яқинларим мени ўзларидан ҳам кўпроқ аяшади, парвариш қилишади. Улардан жуда миннатдорман. Отам-онамдан фақат бир нарсани эшитишни хоҳлайман: “Сен фарзандлик бурчингни бажаряпсан, орзу-ҳавасларимизни рўёбга чиқаряпсан, биз розимиз”, дейишса, бу дунёда мендан бахтли инсон бўлмайди. Улар менинг биринчи ўқитувчиларим. Ҳаётни, яшашни ўргатган аслида шу кишилар бўлади. “Уғлим, журъатли бўл!” деган ўгитларини унутмайман. Ота-онам менга илоҳий куч бағишлайди. Улардан бир умр миннатдорман. Қолаверса, жондан азиз бувижонимга ҳам раҳмат айтаман.

Менгаям равон гапириш насиб қилармикан, қани энди кичкина бўлсам умид учкунини кўра олсам, бугёнга қандай қилиб одамлар билан мулоқотга киришиб кетаман? Бу ҳақида кўп ўйладим, лекин қанчалик қайғули бўлмасин бу бор ҳақиқат. Ҳаёт ва бахт тушунчаси ҳар ким учун алоҳида мазмун касб этади. Айтайлик, кўзи ожиз одамнинг бахти билан кўз нуридан айрилмаган, тилида

нуқсонли борлар-чи? “Ях-ши, раҳ-мат...” деб бош силкитиб қўяверадилар, аслида билганлар учун бир гапни равон айтиш одамга ҳузур бағишлайди.

Ҳаёт ширин ва гўзал неъмат. Инсон умри давомида ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини кўради, аччиқ-чучугини тотлади. Бинобарин, умр йўлларида кўп нарсача учрайди инсонга. Ҳаётдан ноумид эмасман, бу қалбимда умид чирогини ёққан.

— Кундалик дафтар тутаркансиз. Унинг саҳифаларида қувончли онлар кўп битилганми ёки тушқунлик ҳолатлари акс этганми?

— Кундалик — бу кўнгил кўзгуси. У ўй-ҳаёлдан тортиб, туйғуларгача кўрсатади. Унга қараб босиб ўтаётган умримни сарҳисоб қилиб бораман. Дилимдаги қалб дафтарим энг яқин дўстим, сирдошимга айланди. Унга қалбим тубидаги мудраб ётган, ҳеч кимга айтолмаган дил сўзларимни, ҳаёт ва ҳаёл билан кураш онларимни хаста қўлларим, ожиз қаламимни ўпиб муҳрлайман.

Сизга қалб дафтаримдаги мен учун энг азиз мисраларни келтирайми?

“Тўхтаган инсонингиз ҳамма нарсалдан мосуво бўлади. Нурли тонгни қарши олиш бу — энг улўғ БАХТ. Барчамиз мунаввар одамга термулиб, эзгу ниятлар, олам-олам орзу-умидлар қиламиз. Бу оламда она қалб, аёл меҳри, унинг чексиз самимиёти, куюнчақлигиндан-да каттароқ муҳаббатни топа олмайсиз. Онажон, юзингиздан бахт учкунни уфуриб турибди, самимий табассумингиз оламни титратади. Сизга ҳаётнинг ифорули тароватини ҳис этиб яшаш насиб айласин. Ўзгалар қалбига умид учкунини уйғотиш одаимийликка хос фазилат. Қалбингиз фақат меҳр ва муҳаббатга тўла марваридларингиз кўп бўлсин!”

— Ҳаётдаги ширингиз?

— Сени эшитишни хоҳлаганлар, албатта, эшитадилар.

— Билим олмасдан ҳам туриб мақсадга эришиш мумкинми?

— Билим озуқадир. Ақл ва қалб у билан озиқланади. Билим муваффақият, билимсизлик эса мағлубият. Ўз қобилиятимизни ҳисобга олмасдан, бировларнинг тавсиясига кўра иш юритсак ёки бирор касбни танласак, охир-оқибатда афеус қилиб қолишимиз мумкин.

Мақсаднинг реал ҳаётга мос келмаслиги, унга эришиш учун мотивациянинг йўқлиги, иродасизлик, интизомнинг етишмаслиги, молиявий муаммолар, ўз шахсидан қониқмаслик ва ўз кучига ишонмаслик мақсад олдидидаги тўсиқлар, деб биламан. Ҳар қандай мақсадга эришишнинг қалити — ҳар куни сизни

“**Билим олмасдан мақсадга эришиш бу тайёр ошга ҳамтовоқ бўлиш дегани. Инсон бутун вужуди билан меҳнат қилса, еган оши тотли бўлади. Мақсадга эришиш учун инсон қатъиятни ўзига дўст билиши керак.**”



## ПРОФЕССОР ЖУЭН О:

# ЎЗБЕКИСТОН — ИККИНЧИ ВАТАНИМ!

◀ 1-бет.

**Ш**униси қувонарлики, анжуманда ягона хорижий қатнашчи — Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети профессори, жанубий корейлик Жуэн О хоним анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотган “Кореяда намунали оиланинг модели” мавзусида ўз тақдирини ўтказди. Ушбу нуфузли анжуман иштирокчилари жанубий корейлик профессор Жуэн О тақдирини барча ўтган тақдиротлар орасида энг қизиқарли ва фойдали маълумотларга бой бўлганини таъкидлашди. Жумладан, профессор Жуэн О Жанубий Кореядаги оилавий анъаналар ҳамда оилаларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича икки мамлакатнинг қарашлари бир хиллиги ҳақида гапириб берди.

Биз фурсатдан фойдаланиб, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети талабаларига иқтисодиёт ва менежмент асосларидан ажойиб маърузалар бераётган профессор Жуэн О билан учрашиб, суҳбатлашдик.

— Анжуман таассуротлари ва тақдиротингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Анжуманда Жанубий Кореядаги оилавий анъаналар ҳамда оилаларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича Ўзбекистон билан қарашлари деярли ўхшашлиги ҳақида гапириб бердим. Албатта, Кореядаги оилавий анъаналар ҳақида ҳам айтиб ўтдим. Лекин асл Корея анъаналарига охириги 30 йил ичида иқтисодиётимизнинг ўсиши, аёл ҳуқуқларининг эркаклар ҳуқуқларига деярли тенглашиши ва глобаллашув жараёнлари ўз таъсирини ўтказди.

Масалан, 1970 йилда бир корейлик аёлга ўртача 4-5 нафар бола туғри келган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 1-2 тагача тушиб кетди. 30-40 йил муқаддам корейлик аёлларнинг ўртача турмушга чиқиш ёши 18-20 ёш бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич ўртача 30 ёшлар атрофида. Бунга сабаб, ҳозирда Кореядаги хотин-қизлар эркаклар каби олий маълумотли бўлиб, ўз соҳасида етук мутахассис сифатида карера қуришга ва турмушга чиқишдан аввал иқтисодий томондан мустақил бўлишга ҳаракат қилишларидир.

Ўз-ўзидан бу жиҳатлар корейлик аёлларнинг турмушга чи-

қиш ёшларини ўтмишга қараганда анча ошишига сабаб бўлади. Корея компанияларидаги жуда кучли рақобат туфайли, аёллар одатда 1 нафар, энг кўпи 2 нафар фарзандли бўлишади, чунки кўп фарзандли бўлиш аёлни кўпроқ уйда ўтириб қолишига ва охир-оқибат ишидан ва муваффақиятли карьерасидан айрилишига олиб келиши мумкин.

— Сиз Ўзбекистондаги оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш учун нияларини тавсия қилар эдингиз?

— Оиладagi маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш учун авваламбор тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, илмий-маърифий адабиётлар, рисоалар, ўқув-услубий, таҳлилий қўлланмалар тайёрлаш ва тарқатиш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали замонавий намунали оиланинг мезонларини ишлаб чиқиш керак. Мана шу материаллардан фойдаланиб, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун намунавий оила мезонларини ҳамда халқингизнинг узоқ тарихи жараёнида тўплаган чиройли урф-одатларини ўзида муржаасан этган бой маданиятингизга мос оила ҳақидаги мукамал дарсликни яратиш лозим.

Мен ишонманки, агар мактаб ўқувчиларига мана шу мукамал оила дарслиги бўйича астойдил ва мунтазам сабоқ берилса, жамият ва оилада маънавий-ахлоқий қадриятлар доимо мустаҳкамланиб боради.

— Сиз қандай қилиб Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетида келиб қолгансиз?

— 2016 йил ИНҲА университетининг “Ўқитишда мукамалликка эришган профессор” унвонига сазовор бўлдим. Шунинг учундир, Кореядаги ИНҲА университети президенти ҳамда логистика факултети раҳбар ва профессорлари менга Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетида янги очилаётган логистика факултетида ишлашни тавсия этишди.

Мен бу таклифни бажонидил қабул қилдим, чунки мен Кореяда олган барча билимимни ҳамда орттирган тажрибамни Ўзбекистонда илк бор ташиқил этилган логистика факултети талабаларига беришни хоҳлар эдим. Орзум — Ўзбекистондаги логистика факултетини Кореядаги ИНҲА университети логистика факултети даражаси ва стандартларига етказиш. Буни мен ўзим учун ҳаётимдаги яна бир олий мақсадлардан бири қилиб белгиладим.

Ўтган йил натижаларига кўра, мен Тошкентдаги ИНҲА университети талабаларининг профессорлар маърузалари сўровномасида юқори балл (максимал 100 баллдан 94 балл) олишга эришдим. Олдинги семестрда ҳам ўтган йилдаги каби юқори балл олишга муваффақ бўлдим. Буларнинг ҳаммаси менга доимий фидокорона меҳнат орқали инсон кўп мақсадларига эришиши мумкинлигини яна бир бор исбот қилди.

— Сизга Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетида ишлаш ёқдими?

— Тўғриси айтсам, жудаям ёқди. Мен бир қанча жиҳатта урғу бериб ўтсам: энг аввало университетдаги дўстона муносабат ва ўғил-қизларнинг билимга чанқоқликлари. Дарс бериш жараёнида шунга амин бўлдимки, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетидаги айрим талабалар билан жиҳатидан Кореянинг ИНҲА университети талабаларидан ҳеч ҳам кам эмас. Агарда бу талабалар Жанубий Кореяга бориб ўқисалар ҳам энг алоҳи ва фаол талабалар қаторида бўлишади.

Менга ёққан иккинчи жиҳат, ишлаш учун ўқитувчи-профессорларга ҳамда ўқиш учун талабаларга яратилган шарт-шароитлардир. Ўғил-қизлар бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, фақатгина ўқишлари, билим олишлари керак! Бизнинг ишлашимиз учун шундай шароитларни яратиб бергани учун Ўзбекистон раҳбариятига ўз самимий миннатдорлигимни билдирмоқчи эдим.

— Сиз ўзбекистонлик талабалар билан кўп мулоқотда бўласиз. Шу мулоқотлар ҳақида ва умуман Ўзбекистондаги таассуротларингизни сўзлаб берсангиз.

— Бу ердаги талабалар билан мулоқотда мен шунини кўрдимки, улар биз корей профессорларини ИНҲА университетининг Ўзбекистондаги тимсоли ҳамда Тошкент ва Инчон университетлари ўртасидаги кўприк вазифини бажарувчи инсонлар сифатида кўришади. Масалан, ўтган йил мобайнида мен кўплай ўзбекистонлик талабаларимга Корея университетларида ўқиш учун керакли бўлган тавсияларни ёзиб бердим. Менинг тавсияларим бўйича, логистика факултетидаги бир неча талабаларим ҳозирда Кореядаги ИНҲА университетига қабул қилиниб, у ердаги ўқишларини муваффақиятли давом эттириптилар. Бу, албатта, менга жуда ёқимли ҳамда менинг Ўзбекистондаги хизматим бу ердаги талабаларимга кераклигини кўрсатиб турибди.

Менга юртингизда ёққан яна бир жиҳат ҳақида алоҳида тўхтамоқчи эдим. Энг аввало, кўчили ўлкангизнинг мафтункор табияти ва дала-ю боғларда етиштирилган ноз-неъматларнинг мазаси мени ўзига ром этди. Дунёда камдан-кам юртларда тўрт фаслни учратиш мумкин. Лекин шу тўрт фаслнинг барчаси сизларда мужассам бўлганлигининг ўзи ҳам бежизга Ўзбекистонни жаннатмакон ўлка, деб аталмаслигини яна бир бор исботлади. Шарқ миллатига мансуб урф-одатларимизда ҳам ўхшашликлар бор. Мен бу ерга оиламни ҳам олиб келдим. Ўзбекистонда яшаш мен ва оиламга жуда маъқул келди. Агар имкони бўлса, бир умр Ўзбекистонда ишлаб, ёшларга ўзимнинг бор билим ва тажрибамни бермоқчиман. Ўзбекистон — менинг иккинчи Ватаним!

— Самимий суҳбатингиз ва тавсияларингиз учун ташаккур.

— Интервьюга таклиф қилишгани учун “Xabar” газетаси ижодий жамоасига ҳам катта раҳмат!

Лутфулло ТУРСУНОВ  
суҳбатлашди

# МАРДИ БОБОНИНГ ЖАСОРАТИ



Симнинг узилган жойини топиб, бошқа иложи бўлмагач, иккала симни улаб, тишларим билан ушлаб турганман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғриси"ги 2018 йил 16 апрелда қабул қилинган қарорини ўқиб, ундаги босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлиги ҳақидаги фикрлардан таъсирланиб, умрини матбуотга бахшида этган фахрий журналист сифатида Каттақўрғоннинг Янгиқўрғонча қишлоғилик Марди бобо Бердиқулов ҳақида ёзмоқликни бурчим деб билдим.

Марди Бердиқулов мактабда аъло баҳолар билан ўқиди. Мақсади педагогик касбини эгаллаб, қишлоқдошлари фарзандларига дарс бермоқ эди. Лекин тўсатдан бошланган Иккинчи жаҳон уруши унинг орзуларини чилпар-

чин қилди. У биринчилар қаторида урушга отланди.

— Урушда ралист бўлиб хизмат қилганман, — дея ҳикоя қилган эди бобо ҳали ҳаёт пайтларидаги суҳбатларимиздан бирини. — Қонли жангларда алоқани ушлаб туриш муҳим ўрин тутди. Ана шундай жанглардан биринида узилган алоқани тиклаш ҳақида топшириқ олдим. Симнинг узилган жойини топиб, бошқа иложи бўлмагач, иккала симни

улаб, тишларим билан ушлаб турганман. Кўп ўтмай алоқачи дўстларим етиб келиб, тишларим орасидаги симларни олиб, яхшилаб улаб қўйишди. Ўшанда "Аълочи алоқачи" нишонига сазовор бўлганман.

Марди Бердиқулов ҳаётида бундай воқеалар кўп бўлган. У кейинчалик Япония билан бўлган жангларда ҳам иштирок этиб, кўкси тўла орден ва медаллар билан юртига қайтди.

Урушдан сўнг турли вазифаларда меҳнат қилган бобо таълим масканларида тез-тез бўлиб бўлиб, жанг таассуротларини сўзлаб, ёшларни Ватанга салоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшди.

Марди бобо Бердиқуловнинг ёрқин хотираси янгиқўрғончаликлар хотирасида узоқ яшайди.

Файрат ШУКУРОВ,  
фахрий журналист

## УМРИ БАРЧАГА ИБРАТ

Ана шундай қийин пайтларда ортда Ватаним, ота-онам, опа-укаларим қолганлигини, улар биздан галаба кутаётганлигини ҳис қилиш жасоратга, қийинчиликларга чидашга, мардонавор жанг қилишга чорлаб турди.

Ҳаётда шундай одамлар борки, босиб ўтган умр йўли, гап-сўзлари, олиб борган ишларига кўпчилиكنинг ҳаваси келади, ундан ибрат олишга, у каби инсон бўлишга ҳаракат қилади. Филиалимиз Зангиота алоқа бўлимида узоқ йиллар хат ташувчилик қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ҳурматли устозимиз Ҳомид ота Йўлчиев ана шундайлардан бири.

Ҳомид ота 1925 йилнинг 24 мартида таваллуд топган. Болалиги оғир даврларга тўғри келган Ҳомид Йўлчиев мактабни битириши арафасида миллионлаб инсонларнинг ёстиғи қуришига, аёллар бева, болалар етим қолишига сабаб бўлган машҳур Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Томирларидаги қонда мардлик, жасорат, Ватанга муҳаббат туйғуларни гупуриб оқаётган ёш йигит биринчилардан бўлиб урушга отланди.

— Ўша пайтда курол нима-лигини билмайдиган, уни ушлаб ҳам кўрмаган гўр йигитлар эдик, — дея сўзлайди отахон. — Фронтида бу бошим эҳ-ҳе нима-ларни кўрмади. Бир лаҳза олдин сен билан гаплашиб турган дўстингнинг кўзинг олдида душман ўқига учиб ҳалок бўлишини кўришдан-да оғири йўқ бу дунёда. Ана шундай қийин пайтларда ортда Ватаним, ота-онам, опа-укаларим қолганлигини, улар биздан галаба кутаётганлигини ҳис қилиш жасоратга, қийинчиликларга чидашга, мардонавор жанг қилишга чорлаб турди.

Ҳомид ота жангу жадаллар билан Ленинград, Горкий каби шаҳарларни, Польша, Чехословакия, Болгария каби давлатларни фашистлардан озод этишда иштирок этди. Берлин шаҳрини ишғол қилишда бор куч-ғайратини сарф қилди. Ўша давр тақозосига кўра урушдан кейин ҳам беш йил давомида Германияда ҳарбий хизматда бўлди. 1950 йилдагина қадрон юртига қайтди.

Урушдан сўнг Ҳомид ота аввалига ўша пайтдаги Свердлов

номидаги жамоа хўжалигида ишлади. 1974 йилдан "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали Зангиота алоқа бўлимига ишга ўтиб, хат ташувчилик қила бошлади. У киши ўзига топширилган вазифани виждонан бажарган ҳолда хат-хабарларни эгаларига кечиктирмай олиб боришга эришган ажойиб инсон.

Ҳомид ота катта оила — етти нафар фарзанд, йигирма беш нева-вара ҳамда ўн беш нафар эваранинги сеvimли оилабоши. Ота-хонини маҳалладошлари, тумандошлари ҳам эъозлашади. Хонадониди тез-тез бўлиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлишади. Отахон уруш таассуротлари ҳақида гапириб, уларни Ватани сеvimига, эл иши учун фидойи бўлишга чорлайди.

Филиалимиз раҳбарияти билан у кишининг хонадонига тез-тез бориб, аҳволдан хабар оламиз, зарур ёрдамни аямаган ҳолда маънавий қувват бўлишга ҳаракат қиламиз. Бу галги ташрифимиз чоғида Ҳомид ота уруш ва меҳнат фахрийларига бўлган эътибор учун республикамиз ҳукумати мионатдорлик билдирди. Қўлларини дуога очиб, Юртбошимизнинг олиб бораётган эзгу ишларига ривож, филиалимиз ходимларига улкан ютуқлар тилади.

Уруш кўрган бундай фидойи инсонларнинг дуолари мустажабдир.


Равшан НОРАЛИЕВ,  
"Ўзбекистон почтаси" АЖ  
Тошкент филиали бошланғич  
касаба уюшмаси кўмитаси раиси

### Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Марғилон ва Фарғона ШТБ ходимлари Комилжон ШОМАРИПОВ ҳамда Абдуолим ХАЛИЛОВларни муборак 60 ёшлари билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахти камолини кўришларини тилайди.

**И**соният яралибдики, одамлар ўз ёшлиги ва кучини сақлаб қолиш, шунингдек, барча касалликлардан холи бўлиш масалалари билан боғлиқ саволларга жавоб излайди. Ҳозирча кексалик ҳақида унутишга ёрдам берувчи мўъжизавий воситалар ишлаб чиқилмаган, ammo, қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларидек, гоёлар дунёни ўзгартирмоқда — бир қатор қизиқарли лойиҳалар борки, замонавий тиббиёт билан муносабатда ақл бовар қилмас ютуқларга сабаб бўляпти.

Қуйида исроиллик олимлар илм-фанда бизга қандай янгилликларни таклиф қилаётганини биргаликда ўрганамиз.



# ТИББИЁТНИ ЎЗГАРТИРГАН 5 СТАРТАП

## 1. TytoCare стартапи

Биринчи стартапни Дэди Гилад қизи билан навбатдаги шифокор хузурига борганида ўйлаб топган. Гап шундаки, Дэдининг қизи тўсатдан ёмонлашадиган ва зудлик билан тиббий ёрдам талаб қилувчи қўлоқ касаллигидан азият чекарди.

Шифокор учун бир неча соат навбат кутган Дэди ўз қизи сингари кўплаб одамлар куннинг исталган вақтида тезкор консультацияга муҳтожлигини ва бу масалада шифокор билан масофавий алоқани йўлга қўйиш энг яхши восита бўлиши мумкинлигини англаб етди.


Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсмирлардаги қўлоқ, томоқ, юрак ва ўпка текширувлари буйича виртуал консультация аниқликда шифокор кўригидан реал ўтишдан ҳеч ҳам қолишмайди.

Стартап жуда яхши муваффақиятга эришди, бугунги кунда унга киритилган инвестиция 45 миллион доллардан ошиб кетди.



## 2. GlucoMe стартапи


Бу лойиҳа қандли диабетга чалинган одамларнинг эҳтиёжларини инobatта олган ҳолда кашф қилинди. Беморга шифокор билан доимий алоқда бўлиб туришни таъминловчи булутли платформага эга бўлган қон намунасини олиш учун симсиз монитор билан қурилма берилди. Бемор гаджет орқали қондаги глюкоза миқдорини ўлчади, барча маълумотлар эса автоматик тарзда қурилма хотирасида сақланади. Шифокор ҳар қандай вақтда таҳлил натижаларини кўриб чиқиши ва даволашни масофадан туриб соzлаши мумкин.



## 3. EyeControl стартапи

Ишлаб чиқувчилар бутунлай фалажланганлар бошқалар билан мулоқот қила олишлари учун ёрдам берадиган ноёб кўзойнак тақдим этдилар. Кўзойнакка ўрнатилган инфрақизил камера бемор кўзлари ҳаракатини аниқлайди ва уларни ёзма сўзларни овозли сўзларга айлантирувчи экранга узатади ёки танланган абонент смартфонига жўнатади. Дастурда одамнинг оддий истакларини эшитишга имкон берувчи ва ўзини дунёдан ажраб қолгандек ҳис қилмаслиги учун "ичишни истайман, иссиқ, совуқ" ва бошқа шу каби тезкор сигналлар мавжуд.

Стартап қисқа вақт ичида кўплаб мукофот ва халқаро эътирофларга сазовор бўлди ҳамда ишлаб чиқувчилар ушбу кўзойнак тез орада клиникалар арсеналида пайдо бўлишига ва оғир аҳволдаги одамларга вакуумдан чиқиб олишларига ёрдам беришига умид қилишяпти.



## 4. Surgical Theatre стартапи

Бош миёна жарроҳлиги амалиётида жарроҳ катта стрессни бошдан кечиради, чунки натижалар ҳар доим ҳам ижобий бўлмаслиги мумкин. Шу боис, шифокорлар "синов" операцияларини амалга оширишлари ва нима билан шуғулланишлари кераклигини тушунишлари учун ишлаб чиқувчилар мутахассиснинг барча ҳаракатларини 3D-реалигида такрорловчи VR-платформасини яратдилар.

Платформа бир вақтнинг ўзида бир неча жарроҳлар ишлаб олишига мўлжалланган. Сўнг улар ўзларининг иш натижалари билан ўртоқлашиш имконига эга бўлишади ва агар керак бўлса ҳамкасблар биргаликда муаммони ҳал қилиш усулларини топишади.

Surgical Theatre саккиз йилдан зиёд вақт давомида муваффақиятли фаолият юритяпти ва шу давр мобайнида ушбу йўналишни янада ривожлантириш учун 10 миллион долларга яқин инвестиция фондини жалб қила олди.



## 5. PillCam стартапи

Навбатдаги стартап инсон танасида жарроҳлик аралашувини камайтириш ва ташхис қўйишни янада энгил усуллар билан амалга ошириш учун мўлжалланган.

Шундай қилиб, PillCam ошқозон-ичак трактининг умумий ҳолатини текширишга ёрдам берадиган мўъжизавий дориларни таклиф қилади. Яъни, қизилўнғач, ингичка ва йўғон ичакларни ўрганиш учун уч хил капсула ишлаб чиқилди. Узатиш датчиклари билан жиҳозланган бу капсулалар шиш, қон кетиш ва ошқозон-ичак трактидаги бошқа муаммоларни топишга ёрдам беради. Компютер барча маълумотларни реал вақт тартибда шифокорга узатиб туради. Ҳозирда капсулалар ҳар бири нархи 500 доллар, лекин ишлаб чиқувчилар вақти келиб улар нархи барқарорлаштишни таъкидлашмоқда.



Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади





# МОНИТОР ҚАРШИСИДА:

## БУ ИНСУЛТГА ОЛИБ КЕЛАДИМИ?

"Монитор касаллиги" тушунчасини японлар ўтган аср 70-йилларида киритишган. Аммо улар чин маънода касалликни назарда тутишмаганди — энди эса бу касаллик бор ва хунок оқибатларга олиб келиши билан хавфли.

**Н**оми ҳам айтиб турибди: қимматли вақтини мониторга бағишлаганларга ёпишадиган касаллик. Монитор бу нафақат компьютер, шунингдек, телевизор, видеокамера, смартфон — тасвирий ахборотни берувчи исталган қурилма. Касалликка сабаб айнан улкан ахборот оқимида. Бир-икки мартада мияга зўриқиш билинмас, аммо кунбўйи, йилбўйи монитор қаршисида ўтирилса-чи?

Мия ҳам қайсидир маънода ошқозонга ўхшайди, фарқи — ахборотни ҳазм қилади. Тиббиёт мутахассисларининг айтишича, биронта филмни томоша қилгандан кейинги таассурот хотирада 2-3 ҳафтагача айланиб юраркан. Агар шунақанги кинолар ёки айтايлик сериаллар ҳар кун кўриلسа нима бўлишини тасаввур қиляпсизми? Ахборотни ҳазм қилолмаган мия ҳам бориб-бориб чарчайди. Оқибати эса кейинроқ юзага чиқади: "қизил чегара" босиб ўтилганидан сўнг монитор касаллиги пайдо бўлади.

Албатта, бу касалликнинг ҳам аломатлари бор, булар — доимий чарчоқ, мажолсизлик, яхши ухлай олмаслик, бош оғриги, кўзларнинг тиниши, қулоқдаги шовқин, кўнгил айнаши, иштаҳанинг пасайиши, қўлларнинг қалтираши, тана мувозанатининг бузилиши.

Агарда бир неча кунлик ҳордиқдан сўнг ҳам чарчоқ кетмаса — бу монитор касаллиги аломати. Бир ой, суткасига саккиз соатлаб монитор қаршисида микланиб ўтириш касалликнинг енгил кўринишини чақиритиши мумкин. Ҳатто ана шу "енгил" касалликда ҳам бошда оғриқ пайдо бўлиши, енгил бош айланишлари кузатилади. Оғир кўриниши эса инсулт ва инфарктга яқинлаштиради.

Шифокорлар меъёрга риоя қилишни, монитор қаршисида ҳам танаффус, дам олишни ташкил этишни тавсия қилишади. Қолаверса, тартибли овқатланиш, jismoniy faollik ҳам жуда керак.



### ИНСУЛТНИНГ АЛОМАТЛАРИ

<p><b>1.</b> Сезувчанликнинг бузилиши ва мажолсизлик, айниқса, тананинг бир томонида</p>	<p><b>4.</b> Бош айланиши</p>	<p><b>5.</b> Ҳеч қандай сабабсиз кескин ва кучли бош оғриги</p>
<p><b>2.</b> Нутқнинг бузилиши ёки ўзига айтилган сўзларни тушуна олмаслик</p>	<p><b>6.</b> Мувозанатни йўқотиш бошқа аломатлар: нутқнинг бузилиши, нарсаларнинг қўшалок кўрина бошлаши, мажолсизлик билан бирга кечиши</p>	
<p><b>3.</b> Бир ёки икккала кўз кўриш қобилиятининг бузилиши, нарсаларнинг қўшалок кўрина бошлаши</p>	<p><b>7.</b> Ҳушдан кетиш</p>	

### КРОССВОРД

**ЭНИГА** 1. Футбол юлдузи. 4. Осиёдаги тоғ. 9. Фирибгар, товламачи. 10. Елканли кемалар пойғаси. 11. Кўршапалак тури. 12. Қиска ҳикоя. 13. Узун тумшукли ботқоқ қуши. 16. Жануби-шарқий осийдаги давлат. 18. Слесар, дуралгор иш қуроли. 19. Комил. 22. "Гулiveringнинг саргузаштлари" асари муаллифи. 24. Увол. 26. Дармондори. 29. Африка мамлакати. 30. Сайёра. 31. Мактаб ўқувчиларининг ёзма иши. 32. Пулнинг қадрсизланиши. 33. Қариб ҳавзасидаги пойтахт-шаҳар.

**БЎЙИГА:** 1. Сурхондарё вилоятидаги туман. 2. Фарбий Осиёдаги пойтахт-шаҳар. 3. Газ. 5. Мўйнали жонивор. 6. Да Винчи, Микеланжелло, Галилей ватани. 7. Темир йўл кесимидаги бошқалар учун тўсиқ. 8. Кичик ресторан. 14. XV Қишқи олимпиада мезбони. 15. Шкаф тури. 16. Канада дарёси. 17. Сув гули. 20. Америко ... 21. Бухоро вилоятидаги туман. 23. Кит тури. 25. Эҳромлар қўриқчиси. 26. Лихтенштейн пойтахти. 27. Секин. 28. Куч бирлиги (физика).

### БОШҚОТИРМАЛАР

#### БОЙЛИКНИНГ НЕВАРАСИ

Пол Декурселга тегишли бир ҳикматли гапда камбағаллик бойликнинг невараси дейилади. Ушбу ҳикматда уларнинг яна бир қариндоши тилга олинган.

Қариндошни топинг?

#### ЯХШИ МАОШ

Тасаввур қилинг, сизни чет эл компаниясига ишга таклиф қилишяпти. Маош йилига — 100 000 доллар. Маошингизни ошириб боришмоқчи, аммо қандай қилиб — буни танлашни ўз ихтиёрингизга тоширишди:

1. Маошингиз бир йилда бир марта 15 000 долларга ошади.
2. Маошингиз ярим йилда бир марта 5 000 долларга ошади.

Сиз қайси бирини танладингиз, қайси бирини танласангиз кўпроқ пул ишлайсиз?  
(Жавоблари келгуси сонда.)

#### Ўтган сондаги бошқотирманинг жавоби


#### СЎЗСИЗ СУҲБАТ

Тарихчи Роуз сўзсиз суҳбат дея шахматни кўзда тутган.

1	2	3		4	5	6		7
				8				
10			9				11	
			12					
13	14	15				16	17	
	18						19	
20								21
22		23				24	25	
29						30		
				31				
32								33



# КОМПЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ



## 11-ДАРС. Word дастури: матн билан ишлаш (давоми)

### Матнни сақлаш

Ctrl + S клавишлари кетма-кетлиги ёки юқори панелдаги кўк рангли дискет ёрлигидан ҳам матнни сақлаш учун ушбу фойдаланиш мумкин. Матн олдиндан сақланган ҳолатларда, айниқса, шу усул қулай: ҳужжатга киритилган кейинги ўзгаришларни сақлаб боради.

### Матнни белгилаб олиш, нусха олиш, қирқиш ва ўчириш

Матнни белгилаб олиш ва нусха олиш учун:

1. Матннинг керакли қисми бошига курсорни олиб боринг.
2. Чап тугмасини босиб турган ҳолатда сичқончани белгиланиши керак бўлган матн охиригача суриб боринг (бу амални тескари йўналишда ҳам бажариш мумкин).
3. Белгиланган матн атрофи қора (ёки кўк) тусга кириши унинг белгиланганини билдиради, сичқонча тугмасини қўйиб юборинг.
4. Ушбу белгиланган қора фон устида сичқонча ўнг тугмасини босинг ва пайдо бўлган “Копировать” (“Нусха олиш”) ёзувини танланг. Белгилаб олинган матн энди компютер хотирасида. Уни истаган жойингизга қўйишингиз мумкин. Бу жараёни куйидагича давом эттирамиз:

1. Нусхаси олинган матнни қаерга қўймоқчи бўлсангиз сичқонча ўнг тугмасини ўша ерда босиб “Вставить” (“Қўйиш”) ёзувини танланг.

Агарда ҳужжатдаги матннинг кераксиз қисмини ўчириш мумкин, аввал уни юқорида кўрсатилганидек белгилаб олинг ва Backspace ёки Delete клавишларидан бирини босинг.

Ҳужжатни буткул тозалаш (ўчириш) учун Ctrl + A (лотинча) клавишларини бир пайтда боссангиз матн тўлиқ белгиланади ва уни ўчириш мумкин.

Курсорни нафақат сичқонча ёрдамида, шунингдек, клавишнинг пастки қисмидаги стрелкалар ёрдамида ҳам керакли матн қатори ёки сўз ва ҳарфлар ёнига олиб бориш мумкин.

Матнда амалга оширилган ва ҳали сақланмаган ўзгаришларни тепа панелдаги “Отменить” (“Бекор қилиш”) ёрлиги орқали бекор қила оласиз. Худди шу вазифани Ctrl + Z клавишлари кетма-кетлиги ҳам бажаради.

### Матнни форматлаш

Матн ёзиб, сақлаб бўлганидан кейин уни форматлаш тавсия этилади. “Разметка страницы” (“Саҳифани тартиблаш”) бўлимига кириб матндаги бўш жойларни форматлаш, саҳифани тартибга келтириш, матнни устуларга бўлиш, сатрлар ораллигини ўзгартириш, саҳифаларни рақамлаш мумкин.

Ҳозир ўзбек тили учун мавжуд бўлмаса-да, шунинг айтиб ўтиш керак, масалан, рус тилида ишланганда, компютер дастурининг ўзи грамматик хатолари бор сўзларнинг остига тўлқинсимон қизил чизиқ, тиниш белгилари хато ишлатилиши эҳтимоли бор сўзлар остига тўлқинсимон яшил чизиқ чизиб қўяди. Аммо матнни чоп этганда бу чизиқлар кўринмайди.

### Турли шрифтлардан фойдаланиш

1. Керакли шрифтни танлаш учун матнни (ёки унинг бирон қисмини) белгилаб олинг.
  2. Тепа панелга сичқончани олиб борсангиз (оқ фонга қора билан ёзилган бу қисмда шрифтнинг номи кўриниб туради: Times New Roman, Arial ва бошқалар).
  3. Исталган шрифтни танласангиз шрифтнинг кўриниши ўзгаради.
- Шрифт танлаш мавзуга қараб амалга оширилиши мумкин: масалан, болалар учун, тарихий, адабиёт каби. Аммо Word дастурида ишлаганда имкон қадар Times New Roman каби

расмий ва ўқилиши осон шрифтларни ишлатган маъқул. Жимжямдор шрифтлар эса график муҳаррирлар билан ишлаганда ўринли.

Матндаги исталган ҳарф, сўз, рақамни тўқ рангли (жирный), қия (курсив) ва остига чизилган (подчеркнутый) кўринишга келтириш мумкин. Бунинг учун тепа панелдаги Ж, К, Ч тугмалари ишлатилади. Буни тепа панелдаги тегишли тугмаларни сичқонча тугмаси ёрдамида босиб орқали ёки клавиатурада амалга ошириш мумкин: керакли матн қисмини тўқ рангли қилиш учун: Ctrl+B; курсивга айлантириш учун: Ctrl+I; чизиқли қилиш учун: Ctrl+U.

### Матнни қоғозда чиқариш

Бунинг учун сизга компютерга уланган принтер керак. Компютерда ҳам бу принтерни ишлата оладиган дастур ўрнатилади.

Бу иш сизга муаммо туғдирмаслиги учун тажрибалироқ танишингиз ёки компютер устасига принтерни улатсангиз кифоя. Одатда принтерлар стандарт офис қоғози (A4 форматли)да ишлайди.

Демак, матнни қоғозга ўтказишининг икки йўли бор:

■ Экран тепа панелида принтер сурати туширилган ёрлиқни сичқончада бир марта босасиз — бунда матнда тўлиқ чоп этилади.

■ Сиз ўзингиз истаган саҳифани истаганча нусхада чоп этишингиз мумкин.

Бунинг учун:

1. Экран тепасидаги “Файл” бўлимига кирасиз.
2. “Печать” (“Чоп этиш”) бандини танлайсиз.
3. Пайдо бўлган ойнада саҳифалар ва нусхалар сонини белгилайсиз.
4. Танланган амалларни бажариш “Ок” тугмасини босасиз. Шундан сўнг ҳужжат автоматик равишда принтерда чоп этилади.

### Word дастуридан чиқиш

Матн билан ишлаб бўлингандан сўнг уни ёпиш тепа панел юқори ўнг бурчагидаги қизил фонли X тугмаси сичқонча орқали ёки Alt + F4 клавишларини бир йўла босиб орқали бажарилади.

(Давоми. Бошланиш ўтган сонларда.)

Сабоқларимизни кузатиб боринг! 12-дарсимиз интернет, ундан қандай фойдаланиш ҳақида.

## ТЕХНИК САВОЛ

### USB-ФЛЕШКАНИ КОМПЮТЕРДАН ҚАНДАЙ ЧИҚАРИБ ОЛИШ КЕРАК?

Маълумотларни ёнда олиб юришда USB-флешкадан яхшиси йўқ. Компютердан тортиб ТВ-тунергача, буёғи автомашина плеери ва смартфонларгача тушаверади. Биласизми, битта эҳтиётсизлик ана шу беминнат дастуримизнинг бошига етиши мумкин. Қандай қилиб? Масалан, компютерда ишлатиб бўлгандан сўнг хавфсиз режимда ажратиб олинмаганда.


#### Хавфсиз режимнинг ўзи нима?

Агарда флешкани компютерга (ёки смартфонга) қандай улаган бўлсак ва шундай чиқариб оласак — бу хато. Бу хавфсиз режимга амал қилмаслик ҳисобланади. Оқибатда энг камида флешканинг

ичидаги маълумотларимиздан айрилишимиз ёки бундай ҳаракатлар такрорланганда флешканинг ўзи ҳам яроқсиз ҳолатга келиб қолиши мумкин. Флешка компютерга уланганида унинг бир қисмига айланади — бу жараёни битта механик ҳаркат билан узиб қўйиш ярамайди.

Энг тўғри йўл — флешкани аввал компютердан ўчириш, кейин узиш. Бу компютердаги бир-иккита оддий ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Флешка компютерга уланганида (смартфонларда ҳам шундай) қўшимча хотира қурilmаси улангани ҳақидаги қайднома чиқиб туради: компютерда экран пастки панели ўнг бурчагида, смартфон ва планшетларда хотира бўлимининг ичида.

**Windows.** Экран пастки панели ўнг бурчагидаги тегишли ёрлиқ ёки про-



водникда флешкани топиб “извлечь” (“чиқариш”) функцияси ёрдамида уни чиқариб олиш керак. Смартфонларда эса хотира бўлимида ташқи сақлагични ажратиш функцияси ёрдамида флешка ажратилади. Хавфсизлик режими мана шу.

Саккизинчи авлоддан бошлаб Windows тизимлари USB-сақлагични

хавфсиз ажратиш ҳақида огоҳлантирмайди, бор-йўғи маълумотлар йўқолиб қолганини билдиради.

**MacOS.** Флешкани компютердан ажратишда сичқончанинг ўнг тугмаси экрандаги иш столида жойлашган USB-сақлагич устида босилиб “извлечь” функцияси танланса ёки флешка ёрлиги саватчага ташлаб юборилса кифоя.

Қўшаҳифани С.АҲАДОВ тайёрлади

# 12 АЛОҚА ОЛАМИДА



## МЕССЕНЖЕРЛАР

### WHATSAPP FOYDALANUVCHILAR UCHUN ESHGA DOIR CHEKLOVLAR JORIY ETDI

Компания расмий блогида хабар келтирилишича, бу чеклов Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар учун қилинган. Европалик фойдаланувчилар мессенжердан фойдаланиш учун 16 ёшга тўлган бўлишлари керак.

Бошқа минтақаларда эса мессенжердан 13 ёшга кирганлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган фойдаланувчининг ёши қандай аниқланади — буниси қоронғу.

## ИНТЕРНЕТ



### OPERA KOMPANIYASI "BIR QULLI" BRAUZER ISHLAB CHIKDI

Хозирча андроид-телефонлар учун варианти чиқарилган Opera Touch мобил браузерни бошқа турдош веб-сёрфинг иловаларидан қатор фарқларга эга. Масалан, бир қўлда ишлатса бўлади: браузерни очибқоқ фойдаланувчи қидирув қаторида матн ёза олади. Браузерда овозли қидирув ҳамда QR-кодни сканерлаш орқали ҳавоаларга ўтиш функциялари ҳам ишлайди.

Браузерни бошқаришда бош элемент — доим экран кўйи қисмида кўриниб турувчи Fast Action Button (FAB) тугмаси. Керакни бўлимлар ёки созуламаларга унинг ёрдамида ўтилади.

Орега мобил браузерининг яна бир афзаллиги унинг компютерларда ишловчи Орега браузер билан ҳеч қандай парол ва логинларсиз синхронлаша олишидир. Бунда Flow функцияси қўлланилади.

## ХАВФСИЗЛИК

### ХАКЕРЛАР MYETHERWALLET КРИПТОВАЛЮТАЛАР ҲАМЕНИНИ БУЗИШДИ

Экспертлар камида 150 минг доллар ўғирланганини айтишмоқда.

Корпорациянинг ўзи ҳам хакерлар хуружини тасдиқлади, билдирилишича, товламачилар фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларига дахл қилиш учун қалбаки сервисларни ишга солишган. Яъни, ўз аккаунтларига кирувчи фойдаланувчилар мана шу сервисларга йўнатирилверган, уларнинг пуллари шу ерда изсиз йўқолган.

Талончилар сервер манзиллари бўйича аниқланди, аммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар уларни тута олишгани йўқ. Мазкур ҳамён фойдаланувчиларига хозирча шахсий кабинетларига кирмай туриш тавсия этилмоқда.

## ҚОНУН ДОИРАСИДА

### APPLE IRLANDIYAGA QUSHIMCHA 13 MLRD. EVRO SOLIQ TULAYDI

Ирландия ҳукумати Apple компанияси билан келишувга эришганини ва бу компания мамлакат учун тўланмай қолган 13 млрд. евро (16 млрд. доллар) солиқни тўлашни маълум қилди. Бу иш Европа комиссияси қарори асосида бажарилмоқда.

Ирландия молия вазири Паскал Донахю ўз ҳукуматининг ЕИ қарори (унда Европалаги штаб-квартираси Ирландияда жойлашган Apple бу мамлакатнинг солиқ имтиёзларидан ноқонуний фойдалангандан норозилигини билдирган. Шунга қарамадан, иттифоқ аъзоси сифатида Ирландия ЕИ комиссияси қарорларини бажаришга мажбур.



## ВАЗИЯТ



### TELEGRAMNI BLOKLASHDAN "ROSSIYA POCHTASI" HAM ZARAR KURDI

Россияда Telegram мессенжерини тақиқлашга уринишлар муваффақиятсизликка учрапти, қайтанга бошқа сервислар ҳам зарар кўрмоқда. Масалан, "Россия почтаси". Кўплаб IP-манзилларни блокировка қилиш Captcha ботларида ҳам узилишларга олиб келди. Бундан "Россия почтаси" ҳам жабр кўрди — бир сўз билан айтганда занжир реакцияси.

"Россия почтаси" бош директори ўринбосари Сергей Емелченков шундай дейди: "Биз Google компаниясининг Captcha сервисидан фойдаланиб келамиз. Бир қатор IP-манзиллар узиб қўйилиши тўғрисида мижозларимиз билан бир неча соатгача боғлана олмадик. Агар замонавий булутли ечимларни ўзимизнинг дастурий маҳсулотга ўтказмасак, муаммодан қутула олмаймиз".

Шуниси қизиқки, Telegramга қарши курашаётган Роскомнадзор ташкилоти Google ресурслари блокланмаганини маълум қилган.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади



## ХАЛҚАРО ҲАЁТ



### Антонио Гутерриш: Совуқ уруш қайтди

БМТ Бош котиби Антонио Гутерриш Швециянинг SVT телеканали билан суҳбатда Хавфсизлик кенгашининг самарасизлигини эътироф этди ва янги совуқ уруш бошлангани ҳақида гапирди.

У Дума шахрига кимёвий ҳужум уюштирилганлиги ҳақидаги хабар ортидан Фарб мамлакатларининг Сурияга берган авиазарбалари ҳақида гапирди, "Совуқ уруш қайтиб келди", деди у ва XX асрда кузатишган шундай даврга нисбатан сезиларли фарқлар мавжудлигини таъкидлади. "Ўшанда АҚШ билан Совет Иттифоқи ўртасида жиддий қарама-қаршилик мавжуд эди, — деди у. — Энди Вашингтон ва Москва ўша пайтдагидек ҳамма одамларни назорат қилмаяпти. Кўплаб мамлакатлар минтақада жуда фаол бўлиб олдилар, масалан, Туркия, Эрон, Саудия Арабистони ва бошқалар, бир хил назорат қувватига иккита тенг кучли блок йўқ". Гутерриш, шунингдек, Россия ва Фарб ўртасидаги можарони "жиддий" деб баҳолади.

### Арманистонда нима гап?

Арманистон бош вазири Серж Саргсян кейинги икки ҳафта мобайнида мамлакатни қамраб олган норозилик намоишлари ортидан истеъфога кетишга мажбур бўлди. "Мен давлат раҳбари сифатида сизларга охири марта мурожаат этмоқдам. Никол Пашинян ҳақ эди. Мен хато қилгандим. Оғир вазият юзага келганди, вазиятни ҳал қилишининг бир неча йўли бор эди. Бирортасини танламадим, чунки уларнинг бирортаси менга тўғри келмасди. Мен сизларнинг талабингизни бажарман ва мамлакат раҳбари лавозимидан воз кечаман", — деган Саргсян.

Эндилкида бош вазир ўринбосари, 2016 йилнинг 13 сентябридан 2018 йилнинг 9 апрелигача ҳам бош вазир бўлган Карен Карапетян вақтинча мамлакат бош вазири лавозимини эгаллаган.

Айни дамба норозилик намоишларига бошчилик қилган Арманистон муҳолифати стачкиси, "Елк" ("Чиқиш") фракцияси депутати Никол Пашинян мамлакатни ўзи бошқаришни истамоқда.

### Хитойлик муслима энг юқори мукофотга сазовор бўлди

Сингапур биомухандислик ва нанотехнология институти (IBN) ижрочи директори, профессор Жеки Ин АҚШ Миллий ихтирочилар академияси (NAI) стипендиясига сазовор бўлди. У ёши 30дан ошгача Ислонми қабул қилди. 2015 йилда эса биотехнологиялар соҳасидаги инновациялари учун 500 минг АҚШ доллари миқдориди Мустафо номидаги мукофотга лойиқ топилган илк муслима бўлди. Профессор Жеки Ин ҳозир 51 ёшда. У Тайванда туғилган, Сингапур ва Нью-Йоркда вояга етган, АҚШ фуқароси, бу йил бутун дунё бўйлаб ушбу мукофотга сазовор бўлган 155 кашфиётчидан бири.



### Табриз – Ислоний туризм пойтахти

Эроннинг Табриз шаҳри 25 апрелдан 2018 йил охирига қалар расман "Ислоний туризмнинг пойтахти" мақомини қабул қилиб олди.

Бу қарор жорий йил 5-7 феврал кунлари Даккада бўлиб ўтган Туризм вазирларининг 10-ислоний анжуманида эълон қилинган.

Табриз Эроннинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган йирик иқтисодий марказ ҳисобланади. Вилоят аҳолисининг аксари озарбайжон тилида сўзлашади. Форс тили иккинчи расмий тил ҳисобланади. Шаҳар қўл санъати асарлари, жумладан, қўлда тўқилган гиламлар ва заргарлик буюмлари билан дунёга машҳур.



У.ТОЖИБОЕВ тайёрлади

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ: ПОЧТАДАГИ ҚУШИМЧА ХИЗМАТЛАР

**“  
Бир қатор  
уяли алоқа  
компаниялари  
билан  
шартнома  
тузишга  
эришдик. Шу  
асосда сим-  
карталарни  
сотиш, пайнет  
хизматларини  
амалга  
оширяпмиз.”**

Давр билан ҳамоҳанг одим ташлаш ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса ходимларининг бурчи, вазифасидир. Буни яхши англаган “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Тошкент почта” филиали Мирзо Улуғбек туманлараро почта алоқаси боғламаси мутахассислари зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишяпти.

— Боғламамизда фаолият юритаётган 300 нафар мутахассис билан пойтахтимизнинг Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Миробод, Шайхонтоҳур, Яшнобод ҳамда қисман Бектемир туманлари аҳолисига почта хизмати кўрсатяпмиз, — дейди Мирзо Улуғбек туманлараро почта алоқаси тармоғи бошлиғи Собир Мустафоқулов. — Тасарруфимиздаги 51та алоқа бўлими орқали оддий ва буюртмали ҳамда қиймати эълон қилинган хатларни, ички ва халқаро пул

ўтказмалари, шунингдек, жўнатма ва бандеролларни эгаларига ўз вақтида етказишга ҳаракат қиляпмиз. Мавжуд алоқа бўлимларимиз орқали бугунги кунда коммунал тўловлар ҳам қабул қилиняпти ва аҳолини даврий наشرларга обуна қилиш ва сотиш, телеграф каби хизматларни амалга оширяпмиз. Ходимларимиз шикоят ва мурожаатларсиз ишлашни ўзларига шиор қилиб олишган. Яъни, ҳар бир мижозга чиройли муомалала бўлиб, ишларини тез ва сифатли битиришга ҳаракат қиляпмиз.

— Кейинги пайтда бир нечта янги хизмат турларини ҳам йўлга қўйдик, — деди суҳбатимизга қўшилган бошлиқ ўринбосари Исмоил Раҳимов. — Жумладан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан қолабузар ҳайдовчиларга берилиши керак бўлган хатларни эгаларига етказяпмиз. Бир қатор уяли алоқа компаниялари билан шартнома тузишга эришдик. Шу асосда

сим-карталарни сотиш, пайнет хизматларини амалга оширяпмиз. “Кафолат” ҳамда “Алском” суғурта компаниялари билан тузилган шартномага биноан эса ихтиёрий суғурталаш ишларини ҳам расмийлаштиряпмиз. Яқин кунларда “Тезкор почта” хизматлари кўрсатишни бошлаймиз.

Боғламада “Устоз – шогирд” анъаналари яхши йўлга қўйилган. Соҳага оид коллежлар ва ТАТУ битирувчилари дастлаб тажрибали почта ходимларига бириктирилиб, иш ўргатилади. Сўнгра улар ишга қабул қилинади. Шу тариқа ходимлар кўнимсизлигининг олди олинапти. Бу борада тажрибали, касбига фидойи алоқа бўлими бошлиқларининг муносиб ҳиссалари бор. 11-алоқа бўлими бошлиғи Миращ Рисқулова, 93-алоқа бўлими бошлиғи Елена Тюрникова, 77, 84 ва 2-алоқа бўлимлари бошлиқлари Наргиза Валихонова, Наргиза Раҳимова, Муҳаййи Ағзамовалар шулар жумласидандир. Боғлама ходимлари жа-

моавий дам олишни ҳам ўрнига қўйишади. Янги йил, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз, алоқачиларнинг касб байрами, Мустақиллик куни каби байрамлар биргаликда нишонланади. Яқинда боғлама ходимлари Наврўзи оламини байрам қилиш учун тўпланишди. Дошқозонда баҳорнинг шоҳ таоми — сумалак ҳамда палов пиширилиб, дастурхон аёллар томонидан тайёрланган турли пишириқлар, кўк сомса, кўк чучвара билан безатилди. Бу ишларда цех касаба уюшмаси кўмитаси раиси Нодира Қосимова, 1-тоифали мутахассис Нургул Жовлиева, обуна гуруҳи ходими Зилола Нурмуҳамедовалар алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Почта ходимлари шўх муסיқа садолари остида рақсга тушишди, шеър ва монологлар ижро этиб, мириқиб хордиқ чиқаришди. Ҳайвон-кулгу узоқ вақт давом этди.

**Муборак МИРКАМОЛОВА,  
“Xabar” мухбири**

## ИЧКИ ТУРИЗМ

### ЕТТИ ПИР ЗИЁРАТИ

“Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали ва шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходимларидан иборат 100 нафардан ортиқ киши вилоят ҳудудидаги табарруқ қадамжолардан ҳисобланган Етти пир зиёратига бўлиб қайтишди.

Улар Гиждувон шаҳридаги Абдулхалиқ Гиждувоний, Шофиркондаги Хожа Ориф Ревгарий, Вобкент туманидаги Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавий, Ромитан туманидаги Хожа Али Рометаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Когон туманидаги Саййид Мир Кулол, Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд қабрларини зиёрат қилиб, буюк аждоларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Филиал касаба уюшмаси кўмитаси саъй-ҳаракати билан ташкил этилган ушбу тадбир давомида табарруқ номлари қайта тикланган, улар мангу кўним топган масканлар обод зиёратгоҳларга айлантирилганлиги хусусида аниқ маълумотлар берилди. Аждоллар мероси, диний ва дунёвий таълимот вакиллари ҳаёти ва фаолияти ҳамиша эъзозланадиган юртнинг бугуни ва эртаси нурафшон эканлиги, бундай ибратли тадбирлар ҳамюртларимиз, айниқса, ёшлар қалбига аллома бобоканонларимизга нисбатан чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиши, ўтмиш донишмандларининг муносиб ворислари сифатида яратувчилик меҳнати билан банд бўлишга даъват этиши таъкидланди.

**Асқар ИСТАМОВ,  
“Xabar”нинг  
Бухоро вилоятидаги мухбири**



## ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Филиалимиз раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси ходимларнинг республикамизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатларини ташкил этишга, шу аснода азиз инсонлар мангу ором топган зиёратгоҳларда бўлиб, ўз инсоний бурчини адо этишларига имкон яратишяпти.

Жорий йилнинг 21 апрел кунини бир гуруҳ ходимларнинг Зангиота зиёратгоҳи, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов эл фаровонлиги йўлида фаолият юритган маскан ҳамда Амир Темур ва Тему-

рийлар тарихи музейларига зиёратлари уюштирилди.

Зиёрат давомида пойтахт алоқачилари Зангиота зиёратгоҳи улуғ саркарда Амир Темур томонидан қурилиб битказилгани, Зангиота ва Анбар она ансамблининг илмий тарихи билан танишдилар. 2016-2017 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ушбу тарихий обида реконструкция қилиниб, янги қиёфада акс эттирилганига гувоҳ бўлдилар.

Саёҳат давомида Бирин-

чи Президентимиз ҳайкали, Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган бадиий кўргазма билан ҳам танишишга муваффақ бўлинди. Зеро, Ислам Каримов мамлакат учун мураккаб бўлган даврда тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликни сақлаб қола олган, Ўзбекистоннинг тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор қўйган ажойиб инсондир.

Амир Темур ва темурийлар даврида давлат қурилиши, илм-фан, маориф ва маданиятни ривожланти-

ришдаги улкан хизматлари ҳақида Темурийлар тарихи музейида тўлиқ маълумотга эга бўлдилар. Музейдаги Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид кўлэмалар, ёзишмалар, ўз даврида зарб этилган олтин, кумуш ва мис тангалар, тарихий буюмлар меъморий обидалар тарихи барчада катта таассурот қолдирди.

**Саодат ҲАКИМОВА,  
“Ўзбектелеком” АК  
“ТШТТ” филиали  
хизматларини сотиш ва  
маркетинг хизмати ходими**



Қадим-қадим ўзбек мадания-тининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византиянинг Қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин.

Чингиз АЙТМАТОВ

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда.)

Ниҳоят, улардан икки киши — отаси ва бир жангчи қолди, холос. Улар яна бир бор, сўнгра қаторасига икки бор ўқ уздилар. Аммо танклар ёпирилиб келарди. Мана, замбаракнинг ёнгинасида яна бир снаряд ёрилди. Чақин ва зулмат. Бу гал ердан фақат бир киши, Аввалбекнинг отаси бош кўтарди, холос. У гандирак-лаганича яна замбарак сари ташланди. Ўзи ўқлаб, ўзи мўлжалга олди. Бу — у отган сўнгги ўқ эди.

Яна экранни портлаш манзараси қоплаб олди. Бу сафарги чийиллаб учиб келган снаряд отасининг замбаракни бир чеккага улоқтириб ташлади. Бироқ ҳали унинг ўзи тирик эди. У гарангсиб, ётган еридан аранг туриб, куйиб, идматешик бўлиб кетган уст-бошда, қўлида гранатаси билан яқинлашиб қелаётган танкка қарши чиқди. У ҳеч нарсани кўрмас ва эшитмасди. Ниҳоят, сўнгги кучини тўлади.

— Тўхта, ўтиш мумкин эмас! — деди у ва гранатани отишга ҳозирлаб, қўлини кўтарганча, алам ва нафрат аралаш афтини буруштириб, бир лаҳза туриб қолди.

Она ўғлининг қўлини шу даража сиқиб ушлаган эдики, сал бўлмаса у инграб юборай дерди. Шунда Аввалбек онаси қўлидан ситилиб чиқиб, отасига ташланмоқчи бўлган ҳам эдики, танк пулемётдан ўқ ёғдира бошлади, отаси эса кесилган дарахт сингари қулаб тушди. У ерда ағнаганча туришга ҳаракат қилди ва қўлларини кенг ёзиб, яна чалқанчасига йиқилиб тушди...

Киноаппарат бирдан жимиб қолди, уруш тўхтади. Филмнинг биринчи қисми тугаган эди. Киночи лентани жойлаштириш учун чироқни ёқди.

Қочарда чироқ ёқилиши билан ҳамма кўзларини қисиб, киприklarини пирпиратиб кино оламидан, уруш даҳшатларидан холи бўлиб, яна одатдаги ўз ҳолатларига қайтдилар. Шу пайт бола юнг солинган қоп устидан сирғалиб тушиб, қувончи ичига сиғмай:

— Болалар, бу менинг отам! Кўряпсизларми? Менинг отамни ўлди-

# АСКАР БОЛА

Чингиз АЙТМАТОВ



(Ҳикоя)

ришди!!! — дея қичқира бошлади.

Ҳеч ким буни кутмаган ва нима содир бўлганини ҳеч ким англаб етмаганди. Аввалбек эса тантанали овозда қичқирганча биринчи қаторда, экран қарши-сида ўтирган тенгқур дўстлари сари чошиб борарди, уларнинг фикрини билиш бола учун жуда-жуда муҳим эди. Қочарда аллақандай ноқулай бир жимжитлик ҳукм сурарди. Илгари ўз отасини бирон марта ҳам кўрмаган бу мурғак бола қалбидаги беҳуда, алдамчи қувонч мазмунини ҳали одамлар қалбига етиб борганча йўқ эди. Ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмасди, ҳамма саро-симада, елка қисиб сукут сақларди. Киномеханик лента солинган турунка қутичани қўлидан тушириб юборди. У икки паллага бўлиниб, жаранглаганча гилдираб кетди. Бироқ бунга ҳам ҳеч ким эътибор қилмади, киномеханикнинг ўзи ҳам уни ердан кўтариб олишга ошиқмасди. Ҳалоқ бўлган жангчининг ўғли эса ҳамон ўзини-кидан қолмасди:

— Ўзларинг кўрдиларинг-ку, у менинг отам!.. Уни ўлдиришди! — дер эди бола одамлар қанчалик сукут сақлаб турганини кўриб, шунчалик ҳовлиқ-қанча, ҳаяжонланган ҳолда. Нега улар Аввалбек сингари унинг отаси учун қувониб фахрланмайдилар?!

Катталардан кимдир норози овозда:

— Ҳе, тентак бола,

бундай гапни зинҳор гапирма кўрма! — деди.

Аммо бошқаси унга эътироз билдирди:

— Нега ахир? Унинг отаси урушда ҳалоқ бўлгани ёлғонми?

Шунда кўшнингнинг ўғилчаси, дабдурстандан унга бор ҳақиқатни айтишга жазм қилди:

— Э, бу сенинг отанг эмас. Нега мунча қичқира-сан? Сенинг отанг эмас, у артист-ку, ишонмасанг анави киномеханик амакидан сўраб кўр.

Катталар болакайни унинг қайғули ва ажойиб хом хаёлидан маҳрум этишни иштамади. Улар киномеханик воқеа қандай содир бўлган бўлса, ҳаммасини бемалол айтиб беришга умид қилишарди. Ҳаммалари унга ўгирилиб қарашди. Бироқ у иш билан жуда банд одамдай, аппаратга тикилганча кўзини узмай турарди.

— Йўқ, у менинг отам бўлади, менинг отам! — дея тинчмасди бола бечора.

— Қайсиси сенинг отанг? — дея яна баҳслаша бошлади ҳалиги кўшнингнинг ўғли.

— У танкни ўққа тутди-ку! Наҳотки сен уни кўрмаган бўлсанг? У мана бундай қилиб йиқилиб тушди-ку!..

Бола ўзини ерга отиб, отаси қай тарзда йиқилганлигини думалаб кўрсатди. У қўлларини кенг ёзганча экран қарши-сида ётиб олди.

Томошабинлар беихтиёр кулиб юборишди. Бола эса кулмасди, ўланга ўхшаб

қўзилиб ётарди. Яна ноқулай вазият юзага келганди.

— Бу нимаси, қасққа қараяпсан, Жиянгул? — деди кекса бир чўпон аёл. Ва ҳамма беихтиёр Жиянгулнинг кўзларида ёш, қайғу-алам аралаш, мотамсаро жиддий қиёфада боласи томон бораётганини пайқайди.

У болани ердан кўтариб олди.

— Юр, болам, юрақол. У сенинг отанг, — деди Жиянгул оҳистагина шивирлаб ва ўзи билан бирга болани қочардан олиб чиқиб кетди.

Ой кўкка буй чўзган эди. Тиниқ мовий тун қаърида тоғ чўққилари оқариб кўринарди, пастда эса гирдоб сингари бепоеа даштлик ястаниб ётарди...

Фақат эндигина, ҳаётида биринчи бор бола жудодик лардини қалбдан тушуниб етганди. Уни ногаҳон урушда ҳалоқ бўлган отанинг чидаб бўлмас ғам-андухи чулғаб олган эди. У бирдан онасини кучиб, аламдан дод солиб йиғлагиси келди ва онасининг ҳам ўзига қўшилиб йиғлашига умидланди. Бироқ она ўзини бардам тутиб турарди. Бола ҳам муштчаларини қаттиқ қисиб, кўз ёшларини ичига ютган ҳолда йиғидан тинди.

Худди мана шу дақиқаларда аллақачонлар урушда ҳалоқ бўлган ота боланин қалбидан мангу жой олди, аммо буни боланиннг ўзи ҳам билмас эди.

Асия РАШИДОВ таржимаси

## Китоб ҳақида қизиқарли фактлар

Барча замон ва халқларнинг энг машҳур ёзувчиси Агата Кристидир. Унинг детектив ҳикоялари 50дан ортик тилда ҳамон чоп этилмоқда. Кристининг нашр этилган китоблари нусхаси 2 миллиарддан ошади.

## ИБРАТ

Дунёда ҳеч яхшилик қилмаган, доимо инсонларга озор берадиган киши вафот этибди. Унинг хотини жаноза учун қишлоқ аҳлини чақирса, марҳумнинг ёди учун ҳеч ким келмабди. Шунда аёл эрини ўзи қафанлаб, бир аравага солиб, кўмиш учун қишлоқ яқинидаги тоққа олиб кетибди.

Тоғда қўйларни боқиб юрвчи бир чўпон аёлнинг паршон ҳолини кўриб, ундан ҳол сўрабди. Аёл бўлган воқеаларни айтгач, йигит қабр қазиб, жаноза, дуо ўқиб, марҳумни дафн этибди. Аёл қишлоққа қайтибди.

Шу кечаси қишлоқ аҳлидан бир неча кишининг тушида аён бўлибдики, кечаги марҳум жаннатий бўлибди. Эртаси куни қишлоқ фаоллари бунинг сабабини билиш мақсадида марҳумнинг уйида боришиб, унинг аёлидан сўрашибди:

## ЧўПОННИНГ ДУОСИ

— Биламизки, эринг умри давомида бизга зулм қилиб келди, озор берди. Бирон яхши ишнинг эслолмайми. Унинг қандай фазилати бор эдики, Аллоҳ унга жаннатни насиб этибди?

Аёл ўйлаб-ўйлаб, эрининг ҳаётидан бирон фазилат тополмабди. Аёлдан кеча нима бўлганини сўрашибди. Аёл борини сўзлаб берибди. Шунда улар, лемак, гап чўпонда, у валий зотлардан бўлиши мумкин, деб ўйлашибди-да тоққа йўл олишибди. Қараша, йигит оддий чўпон, валийлик асоратлари кўримабди. Ундан сўрашибди:

— Эй йигит, сен Аллоҳнинг дўстлариданмисан? Сен

кеча кўмган киши жаннатий бўлганини бизлар тушимизда кўрдик. Кеча ўзи нима бўлган эди?

— Мен валий эмасман. Кеча мен гўр қазидим, марҳумни дафн этдим. Жанозасини ўқидим. Сўнггида дуо қилдим.

— Ҳа, нима деб дуо қилдинг?

— Делимки, Аллоҳим, мен умрим бўйи шу тоғларда чўпонлик қилдим. Бу тоғларга Сенинг саломингни айтиб келган ҳар бир мусофирни меҳмонинг билиб, унга сўт соғиб бердим, гўшт қовурдим. Энди, менам сенга бир меҳмон жўнатяпман. Уни ўзинг яхши кутиб олгин!

# СЎНГГИ ЮТУҚЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

“**Шу куни кўргазма доирасида намоийш этилган бошқа бир қатор истиқболли дастурлар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.**”

Бухоро давлат университетида АКТ соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни ўзида акс эттирган дастурий маҳсулотлар кўргазмаси мазкур йўналишдаги устувор вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган муҳим тадбирлардан бирига айланди. Кўргазма очилишига бағишлаб ўтказилган йиғилишда сўзга чиққан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Фахриддин Аллаев, БДУ проректори Камолддин Самиев ва бошқалар юртимизда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга бухоролик иқтидорли кадрлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келаётганликлари, улар орасида бир қатор олий ўқув юр்தларининг изланувчан талаба-ёшлари кўпчиликини ташкил этаётгани, ушбу кўргазма соҳа ходимлари учун ўзига хос синов ва тажриба мактаби вазифасини ўташини таъкидладилар.

— Республикамызда, хусусан, Бухорои Шарифда туризм салоҳиятини оширишга ва ҳеч истисносиз тиббиётни жаҳон андозалари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас, — дейди кўргазма иштирокчиларидан бири — вилоят марка-



зида фаолият кўрсатиб келаётган “Ёш дастурчи Бухоро” МЧЖ раҳбари Шухрат Жамолов. — Асосан ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга йўналтирилган иш фаолиятимизни бошлаганимизга ҳам ўн йилча бўлиб қолди. Бугунги кунда ахборот технологияларини туризм ва тиббиёт соҳаларига кенг жорий этган ҳолда лицензияли дастурий таъминотни амалга ошириб келяпмиз. Ёмбой саноати корхоналари иш жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган кундалик фаолиятимиз ўз амалий натижаларини бераётганидан мамнунмиз.

Шу куни кўргазма доирасида намоийш этилган бошқа бир қатор истиқболли дастурлар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бухоро шаҳридаги “Amirshoh software

solutions” МЧЖ томонидан яратилган “Аптека” дастури ана шундай ихчам ишланмалардан ҳисобланади. Ушбу дастур бўйича таклиф қилинадиган хизмат турлари оз эмас. Исталган турдаги замонавий ва қулай интерфейсли дастурларни, шунингдек, ташкилот ва савдо мажмуаси учун веб-сайтларни яратиш, сотиб олинган дастурларга ўзгартиришлар киритиш ва соғлаш ишларини амалга ошириш, мижоз талабига мос интерфейслар тавсия этиш сингари хизмат турлари шулар жумласидандир. Шу кунгача ушбу МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат алмашинуви, биллинг, меҳнат интизомини назорат қилишга оид, айниқса, савдо мажмуалари, тиббиёт муассасалари ва клиникалар фаолиятини автоматлаштирув-

чи дастурлар, бундан ташқари, меҳмонхона ва рестороанлар ишини бошқаришга мўлжалланган дастурий таъминотдан унумли фойдаланилаётганлиги эътиборга сазовор.

Кўргазмада фаол қатнашган “Standart IT-Sektor” МЧЖ (Тошкент шаҳри), “Bukhara Air Group IT Service” ХК, “Area Info” МЧЖ, Бухоро давлат университети ҳамда Бухоро муҳандислик-технология институтининг дастурчилар жамоалари ва бошқа бир қатор тadbirkorларга Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармасининг ташақкурномалари топширилди.

**Асқар ИСТАМОВ,**  
“Хабар”нинг  
Бухоро вилоятидаги  
мухбири

## МАЪРИФАТ ДАРСИ

# АСАРЛАРИДА МИЛЛАТ РУҲИ ЖО



Таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, жамоат арбоби Ўткир Ҳошимов ҳақида гапирганда, унинг халқимизга қадрдон бўлиб кетган асарлари — “Дунёнинг ишлари”, “Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, “Баҳор қайтмайди” каби роман ва қиссалари эсланади. Адиб асарларида ўзбекона маънавият, тарбия, урф-одатларимиз, миллатимиз руҳи жо бўлган. Давлат фельдгерлик хизматида ўтказилган маърифат дarsi айнан шу бетакрор ёзувчимиз ижодига бағишлангани бежиз эмас.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов умри давомида қимматини йўқотмайдиган асарлар яратиб, ўзбек адабиёти ва маънавий хазинасига салмоқли ҳисса қўшган ижодкордир. Асарлари эса қарийб эллик йил давомида турли тилларда икки ярим миллионга яқин нусхада chop этилган, етмишдан ортиқ китоби адибни халқимизнинг ардоқли фарзандига айлантирди. Бунинг босиси унинг аксарият асарларида инсон қисмати, дарди ва изтиробларининг ётишидир.

Ўткир Ҳошимов нафақат буюк ёзувчи, балки моҳир таржимон ҳамдир. У Эрнест Хемингуэй, Ги де Мопассан, Стефан Цвейг, Василий Шукшин, Константин Паустовский, Жек Лондон асарлари ва умуман гарб адабиётидан бир қанча намуналарни ўзбек тилига таржима қилган.

“Ўткир Ҳошимов ижодиди инсонийлик муносабатлари” мавзусидаги маърифат дарсида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Шахсий таркибга маънавиятни оширишда бадий асарлар мутолаасининг ўрни беқийсслиги тушунтирилди.

**А.МИРМАҚСУДОВ,**  
ДФХ бўлим бошлиғи  
ўринбосари

## ТАТУ ФИЛИАЛЛАРИДА

# ЯНГИ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Яқинда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида ахборот-ресурс маркази ташкилотчилигида янги нашрдан чиққан телекоммуникация, электроника, мобил ва йўлдошли алоқа, бадий ва техник ижодиёт тўғрисидаги китоблар кўргазма-тақдимоти бўлиб ўтди.

Анжуманда филиал телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факултети декани Улуғбек Нарзуллаев барча йиғилганларни китоб байрами билан табриклаб, китоб билан яқиндан тиллашиш афзалликлари ҳақида сўз юритди. “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси мудирини Ҳақберди Жуманов мазкур дарслик ва услубий қўлланма-

лар талабалар учун билим захирасини бойитишда энг яқин маслаҳатчи эканлигини уқтирди.

Кўргазма жараёнида К.Бекмуродовнинг “Искусственные интеллекты”, Д.Якубжанова ҳамда А.Ахмеджановларнинг “Основы электронного и мобильного бизнеса”, М.Яхшибоев, У.Нарзуллаевларнинг “Сборник задач и упражнений по высшей математики”, С.Мусиновнинг “Профессиональная психология”, Х.Жуманов ва А.Салоҳидиновларнинг “Электромагнетизм” ва бошқа шу каби дарсликлари тақдимоти бўлиб ўтди.

**Насиба РАҲМОНҚУЛОВА,**  
ТАТУ Самарқанд филиали  
АРМ 1-тоифали  
кутубхоначиси

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали жамоаси Бешариқ телекоммуникациялар боғламасида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрий алоқачи

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.



# “ХОРАЗИМА САЁХАТ ДИМ ЯХШИ”

◀1-бет.

Ниҳоят Урганч вокзалига етиб келдик. Вокзалда бизни инспекциянинг Хоразм вилояти бўлинмаси ходимлари Ихтиёр, Фарҳод, Жасур оғалар кутиб олишди. Туристлар учун мўлжалланган замонавий автобусда Хивага йўл олдик.

Шаҳарда жойлашган Алоқа тарихи музейи ҳам ҳамкасбларимизда катта қизиқиш уйғотди. Вилоятга биринчи бўлиб ўрнатилган радиоқурилма, телеграф, АТС жамланмалари каби 2000дан охиққ экзоналардан мамлакатимизда соҳанинг ривожланиш эволюциясига оид қимматли маълумотларгача эга бўлиш мумкин.

Хорижликлар томонидан хизмат кўрсатилаётган миллий ва замонавийлик уйғунлашган ресторандаги тушлик ҳам ўзинга хос тарзда кечди. Хунармандчилик устоналари, миллий либослар, чолғу асбоблари ва матоларнинг ҳар бирида ўзинга хослик бор.

Ҳамкасблар Нуриллабой саройи, Шерғоziхон, Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва минорасини катта қизиқиш билан томоша қилишди. Минорага чиқишга юраги дов бермаганлар, у ердан олинган селфиларни кўргач, тепага кўтарила бошлашди.

Ҳориб-чарчаб, меҳмонхонага “галлик”. Тошкентга қайтайдиган вақт бўлди. Ширин ва ёрқин хотиралар билан Урганч вокзалига етиб келдик. Пойтахтга элтадиган поезд биринчи йўлда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мароқли ҳордиқ ишга иштиёқ уйғотди. Буни юртимиз бўйлаб сайёҳат қилсангиз, янада чуқурроқ ангайлaysiz.

Инспекция ходимларининг “Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат”лари энди бошланди.

Дилшод БЎРИЕВ,  
инспекция матбуот котиби

“**Ҳар бир қарич жойда суратга тушсангиз ҳам алоҳида композиция яралади. Шунда тушундик, хорижликларнинг ҳайрату ҳавасини.**”

Автобус шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб ҳаракатни бошлади. Гид микрофондан Урганч тарихи, хоразмлик алломалар ҳақида маълумотларни айта бошлади. Кейинчалик билсак, гид ўзимизнинг Фарҳод оға бўлиб чиқди.

Кўз олдимизда маҳобатли иншоотлар гавдаланиб, телевизорларда томоша қилганимиз сеҳрли Хивага етиб келдик. Ҳамкасбларимиз билан Asia Khiva меҳмонхонасига жойлашдик.

Хоразмнинг таомлари билан ўтган тушликдан сўнг, Хива бўйлаб сайёҳатга чиқдик. Қаршимизда муаззам қалъа деворлари.

Шаҳарнинг тарихий “Ичан қалъа” мажмуасидамиз. Чор атрофда кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари кетаяпти. Қалъа ички йўллари бўйлаб жойлашган кўчалар миллий хунармандчилик буюмлари билан тўла. Совға харидлари учун кулай фурсат.

Шўх ҳамкасбларимиздан бири бошига чўғирма кўндириб олганча сотувчи қизларга инглиз тилида мурожаат қилди. Сотувчи қиз, соф инглизча талаффузда, миллий матолар ва хунармандчилик буюмлари ҳақида маълумот бериб, “мана бу нарсаларни Ўзбекистондан, Хоразмдан ўз юртингизга

эсдалик учун олиб кетсангиз афсусланмайсиз”, — дея бир даста амалий санъат дурдоналарини саёҳимиз кўлига тутқазди. “Инглиз ҳамкасбимиз” шобиш қолганидан, мўлжалидан охиқ харидни амалга оширди. Тасанно, Хоразм қизларининг топқирлигига, ширинсуханлигига!

Яхши ният билан саёҳатни зиёратдан бошладик. Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида таомилга кўра Куръон тиловат қилинди. Кураги ерга тегмаган паҳлавон ҳақидаги ривоятларни эшитиб яна бир қарра аждоларимиздан фахрландик.

Кўҳна Арк, Тош-ҳовли, зиндон... буларнинг барчаси асрлар қаърида бекинган тарих ҳақида асотир сўйлаётгандек.

Қалъа деворининг энг баланд жойдамиз. Бутун Хива кафтдек намоён. Ҳар бир қарич жойда суратга тушсангиз ҳам алоҳида композиция яралади. Шунда тушундик, хорижликларнинг ҳайрату ҳавасини.

Этиборимизни тортган яна бир жиҳат, хоразмликлар ўз вилояти тарихини алоҳида ҳурмат билан ўргангилар экан. Бизга ҳамроҳлик қилаётган Ихтиёр, Фарҳод оғалар ва Тозагул опа кўзимизга ташланган ҳар бир объект бўйича тўлиқ маълумотлар тақдим этмоқда.

Бир пасда кеч бўлганини пайқамай, меҳмонхонага

қайтдик. Бу ерда ҳам биз учун алоҳида ҳозирлик кўрилибди. Миллий сўриларда миллий таомлар. Тухум барак, кўтирбарак, гумма, Амударё балиғи...

Иккинчи ё учинчи таом тортилмасдан ресторанга фольклор-этнографик ансамбли йнгит-қизлари кириб келишди. Аккардеон, доира, қайроқдан иборат мусиқа асбоблари Хоразм санъати кучини кўрсата бошлади. Рақс бошланиб кетди.

Ўйин-қўлғуни эшитиб, меҳмонхонада турган бир гуруҳ хорижликлар ҳам даврамизга келиб қўшилишди. Алламаҳалгача давом этган базмининг ҳар бир лаҳзаси қалбларимизга абадий муҳрланди десак, муболага бўлмас.

Саёҳатнинг иккинчи куни ҳам жўшқин кайфият билан бошланди. Кечагидан фарқи энди алоҳида гуруҳлар бўлиб, сайрга чиқилди. Боиси, ҳамма ўзини ўз уйда юргандек тута бошлаган эди-да.

Биз бир гуруҳ ҳамкасбларимиз билан Хоразм Маъмун академиясига йўл олдик. Академия ходимлари “галлинг” дея бизни қарши олиб, ичқарига бошлашди. Бино шундай лойиҳалаштирилганки, уни бир айланаб чиқсангиз халқимизнинг миллдан аввали асрлардан тортиб бутунга қадар бўлган буюқ тарихини кўз олдингиздан ўтказасиз.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Азим АХМЕДХАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ,  
Шўҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Тўлқин ТЕШАБОЕВ,  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100105, Тошкент,  
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.  
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78  
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.



**ISSN 2010-6424**

Бошига топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бosh муҳаррир вазифасини  
вақтинча бажарувчи:  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета  
ҳафтанинг  
жума куни  
чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида chop этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
“Буюқ Турон” кўчаси, 41-уй.

G-443 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Адади: 3228 нусха.